

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

5111000-КАСБ ТАЪЛИМИ:

(5151600-Халқ ижодиёти

(фольклор-этнографик жамоаларига раҳбарлик)

ДАК раиси

_____ профессор Б.Ходжаев

«_____» _____ 2017 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**МАВЗУ: Ўзбек миллий байрамлари – умуминсоний қадрият
сифатида**

Бажарди: Абдуллаев О.

Илмий раҳбар: п.ф.н., доцент З.Қосимова

*Мазкур битирув малакавий иши кафедранинг 2017 йил _____ даги
_____—сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.*

Тошкент - 2017

М У Н Д А Р И Ж А :

Кириш	3
I боб. Ўзбек миллий байрамларининг тарихий илдизлари ва уларнинг таснифи	10
1.1. Байрамларнинг келиб чиқиши ва уларнинг турли халқларда нишонланиш анъаналари тавсифи.....	10
1.2. Ўзбек миллий ва диний байрамларининг жамият тараққиётида тутган ўрни, роли ва тарбиявий аҳамияти.....	20
II боб. Ўзбек миллий байрамларини ўтказишнинг педагогик шарт-шароитлари.....	36
2.1. Ўзбек миллий байрамлари воситасида талаба ёшларни тарбиялашнинг мазмуни, шакли, восита ва методлари.....	36
2.2. Миллий байрамларнинг умуминсоний қадрият эканлигини ёшлар онгига сингдириш технологияси.....	42
Хулоса.....	57
Тавсиялар.....	59
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	61

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Байрам – халқнинг шодлик ва хурсандчилик кунидир. Маҳмуд Қошғарий Биз байрам деганда бирор-бир муҳим ҳодиса, воқеа, санани кўпчилик бўлиб, кўтаринки руҳда, куй-кўшиқ, хурсандлик билан нишонлашни тушунамиз. Ҳар бир миллатнинг ижтимоий-маданий ҳаётида азалий анъана, урф-одат, маросим, байрамлари мавжуд. Ўзбек халқида йирик ишларнинг бошланиши ва якунланиши одатда байрамга айланиб кетади. Янги ҳосил мавсумининг бошланиши ва илк уруғ қадаш жараёни ҳам деҳқонлар ҳаётида муҳим воқеа бўлганлиги боис байрамонга кайфиятда ўтади. Байрамлар инсонларнинг босиб ўтган йўллари чуккур англашга, ғалабалардан фахрланишга, келажак учун режалар тузишга, эртанги кунга умид боғлашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам, байрам арафасида кишилар бир-бирларини табриклашади, яхши тилаклар тилайди. Байрамлар моддий ва маданий ҳаётда эришилган муваффақиятларнинг ўзига хос намоиши ҳисобланади. Чунки байрам кунига бағишлаб барча муассасалар, корхоналар ўзлари эришган муваффақиятларни намоиш қиладилар. Байрамларнинг моҳияти улар мазмуни ва ғоясига боғлиқ бўлади. Мазмун, ғоя ҳар бир байрамнинг асосини, образли қилиб айтганда “жони” ва “қони”ни ташкил этади. Тарихий жараёнда байрамлар маъноси, ғояси халқнинг ўйи, дарди, орзу-умидлари асосида пайдо бўлган ва ўзгариб, ривожланиб борган. Мустамлакачилар ҳам, маҳаллий ҳукмдорлар ҳам байрамларга ўз ғояларини сингдиришга ҳаракат қилган.

Байрамлар кишилар ҳаётидаги энг қувончли ҳиссиётли дамлар, хушқайфият чоғлари, бирдамлик, меҳр-оқибат, келажакка ишонч туйғуларини ўзида қамраб олган буюк бир ижодий ва ташкилий жараёндир. Байрамлар ўз-ўзидан байрам шаклига келмайди, уни ташкил этиш керак. “Эртология” – (грекча, “эрто” – байрам ва “логос” – ўрганиш) байрамлар тўғрисидаги фандир.

Мамлакатимизда бўлаётган катта ўзгаришлар ва муваффақиятларни байрамларимиз мисолида яққол кўришимиз мункин. Маданий тадбирларнинг олий шаклларида бири бўлган байрамлар юртимиз чиройи гўзаллиги

мафтункорлиги жахонга тараннум этмоқда. Айниқса, мустақилликни қўлга киритганимиздан сўнг байрамларни ўтказиш ташкил этиш ва бошқаларга бўлган эътибор ва талаб кучаяди. Чунки, байрамлар юртимиз миллатимиз кўзгусидир.

Кишилар имкониятини ҳисобга олиб, замон талабларидан келиб чиқиб, миллийлик, урф-одат, анъаналарга содиқ қолган ҳолда мавзу ва ғоя уйғунлигида ташкил этилган байрам ва томошалар юқори даражада ўтказилган тадбирлардан ҳисобланади. Чунки инсонлар байрамларга маданий ҳордик чиқариш учун, бўш вақтини тўғри ташкил этиш учун, эстетик завқланиш, кайфиятни кўтариш ва бошқа ижодий ҳислатларни жо қилиш учун келади. Бу эса унинг эртанги кундаги амалга оширадиган ижобий ишларига қизиқишини янада орттиришга, ўз меҳнатидан завқ олишга, меҳнат унумдорлигига эришишга, оиласи, Ватанни севишга, ижтимоий ҳаётга муносабатини яхшилаш томонга ўзгартиришга олиб келади. Маданий тадбирларнинг шакллари хилма-хилдир. Давра суҳбатлари, учрашувлар, тематик кечалар, кулгу кечалари, театр спектакллар намойиши адабий, бадиий мусиқий композициялар, юбилей ва бошқалар шулар жумласидандир. Маданий тадбирларнинг энг олий шакли байрамлардир. Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, мактаб ва коллежлар, турли ташкилотларда байрамлар ҳар хил шаклда ташкил этилади. Маданият ходимлари ва санъат аҳлини ушбу тадбирларни ташкил этишда самарали меҳнат қиладилар. Ўзбекистон давлати мамлакатда инсонларнинг яшаш шарт-шароитларини яхшилаш, ёшларга билим бериш, бўш вақтларини самарали ташкил этиш ва бунинг натижасида жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, оиласи, касби, ватанни севиш каби ижобий ҳислатларни жо қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Республикамизда ўтказилаётган “Мустақиллик”, “Наврўз”, “Шарқ тароналари”, “Барҳаёт наволар”, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва шу каби Республика миқёсидаги байрам тадбирларимиз юқори даражада ташкил этилмоқда. Аммо бир ҳақиқатни айтиб ўтиш жоизки, бу байрамлар йилдан-йилга стратегик шаклга кириб, бир хил штампларни

вужудга келтирмоқда. Бундан ташқари байрамларнинг композицион тузилиши кўп йиллардан бери бир хил услубда ҳал этилмоқда.

Миллий байрам ва тадбирлар ҳам ҳар хил мазмуни, меҳнаткаш омма ҳаёти, орзу-истаги, меҳнати билан чамбарчас боғлиқ. Хуллас, тадбир инсон меҳнатининг кураши ва инитилишларини якуний тантанаси ҳисобланади, у кишиларда руҳий психологик, эмоционал эстетик кайфият вужудга келитириб, барча иштирокчиларда яхши, шод хуррамлик, кўтаринки кайфият уйғотади. Миллий байрамлар халқимизда олдиндан мавжуд анъаналарни тадрижий такомиллаштирилган ҳолда инсоният томонидан яратилган жамики моддий ва маданий ютуқларнинг натижасини авлоддан авлодларга етказди ва ардоқлайди. Тадбир ва байрамлар халқимизнинг энг эътиборли, маънавий томонларни ўзида намоён этади. Ҳар бир халқнинг тарихий тараққиётига ҳамоҳанг бўлган ранг-баранг миллий тадбирлари мавжуд. Янги, ҳар қайси давр, ҳар бир авлод ўзининг тадбири, қарашлари ҳисобига бойитиб боради. Халқ тадбирлари мазкур халқ маданиятининг ажралмас қисми сифатида унинг ривожини, барқарорлигини кўрсатувчи восита ҳамдир.

Ҳозирги кунда миллий байрамлар олдида мана шундай ва бошқа муаммолар долзарб бўлиб турибди. Ушбу муаммоларни ҳал этмас еканмиз, биздаги оммавий байрам томоша саънатида олдинга интилиш сезилмай қолаверади.

Сценарий тўлақонли адабий бадиий асар ҳисобланади. Лекин, баъзилар сценарийга оддий концерт дастури сифатида, қўл учида қарайдилар. Ваҳоланки, оммавий театрлаштирилган байрам ва томошалар сценарийсини яратиш жуда ҳам мураккаб ва оғир жараёндир. Бундай сценарийларни яратиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Байрам тадбирларининг асосий вазифаси миллий ва дунё маданиятларининг энг яхши намуналарини кенга тарғиб қилиш ва оммалаштириш ўсиб келаётган авлодни замонавий ёшларни маънавий тарбиялаш миллатига, тарихига инсониятга бўлган ҳурматни уйғотиш ва сақлаш ҳисобланади. Зотан, халқларнинг ўзига хослиги ва бетакрорлигини сақлаш, соф ҳолда шаклланган қадимий, миллий, маданиятлар,

санъат ва халқ ижодиёти минг йиллар давомида таркиб топган миллий анъана ва урф-одатларнинг ўзаро яқинлашуви ва бир-бирини бойитиш учун дунёда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат муҳитини қарор топтириш учун маданий тадбирларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, байрамларда шахс, ўз инсоний фазилатларни шакллантира бошлайди, яширин бетакрор индивидуал хусусиятларини, қобилиятларини кашф этади. Уларни ўстириб ва ривожлантириб боради, жамият ҳаёт билан мулоқотга киришади. Мураккаб ижтимоий воқелик сифатида бу байрам тадбирларнинг ўзига хослиги шундаки, у инсоният авлодларнинг меҳнати ва билимларини ўзига сингдириб олади ва сақлайди, доимиёй бойитиб боради ва уларни келгуси авлодларга етказиб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Миллий байрамларнинг ёшлар тарбиясига эстетик таъсири ҳақида Ўзбекистон, Россия ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида кўплаб тадқиқотчи олимлар: И.Г.Шароев, Д.М.Генкин, Н.М.Туманов, Ф.Н.Насриддинов, Т.С.Усмонхўжаев, О.Т.Расулов, О.О.Пўлатов, Б.С.Сайфуллаев, У.Х.Қорабоев, Ф.Э.Аҳмедовлар ўзларининг илмий тадқиқотлари, монографиялари, илмий мақолаларида эътибор қаратганлар. Хусусан, И.Г.Шароевнинг “Режиссура эстрады и массовых представлений” (“Просвещение” М., 1986), А.И.Чечётиннинг “Основы драматургии театрализованных представлений” (“Просвещение” М., 1981), Б.Н.Петровнинг “Режиссура массового спортивно-художественного театра” (Л., 1986), Ф.Э.Аҳмедовнинг “Оммавий байрамлар режиссураси асослари” (“Алоқачи” Т., 2008), У.Х.Қорабоевнинг “Бадиий-оммавий тадбирлар” (“Ўқитувчи” Т., 1986), “Ўзбек халқи байрамлари” (“Шарқ”. Т., 2002) каби дарслик ва ўқув қўлланмаларида мазкур мавзу юзасидан умумий маълумотлар берилган. Лекин, шунини таъкидлаб ўтиш керакки, юқорида қайд этилган олимларимиз ўз илмий ишларида айнан ўзбек миллий байрамлар орқали ёшлар тарбиясига эстетик таъсир кўрсатиш борасида кенг қамровда тадқиқот олиб боришмаган.

Шарқ мутафаккирлари Фирдавсий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Махмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Бехбудий, Фитрат каби олиму уламолар ҳам байрамлар ва унинг ташкил этилиши тўғрисида байрамларнинг ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва роли ҳақида турли нуқтаи назар билан қарашганлар ва мулоҳазаларни мерос қилиб қолдирганлар. Ҳозирги кунда Ўзбекистон, ўзбек халқи байрамлар тарихига, замонавий, илмий нуқтаи назардан ёндашаётган устозлардан М.Қодиров, Б.Сайфуллаев, Ф.Аҳмедов, Қ.Қорабоев, В.Рустамов, Ж.Маматқосимов ва бошқалар дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилиб, шу соҳага ривожига хисса қўшиб келмоқдалар.

Байрамшунос олим У.Қорабоев халқ байрамлари моҳиятини белгиловчи байрамларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, байрамнинг учта асосий хусусиятини белгилайди:

1. Байрам ҳолати (байрам кайфиятининг) пайдо бўлиши, байрамга бўлган эҳтиёжнинг туғилиши;

2. Байрамона ҳолат, кайфиятнинг пайдо бўлиши – бу ҳали байрам дегани эмас. Шу кайфиятни, шу ҳолатни, интилишни рўёбга чиқариш учун байрамни ташкил этиш керак. Омманинг байрам иштирокчисига айланишидир.

3. Байрам бу – театрлаштирилган намоёишлар, томошалар, концертлар, кўрик-танловлар беллашувлар, яъни ранг-баранг оммавий тадбирлар бирлигидир.

Мазкур битирув малакавий ишда ўзбек миллий байрамлари ва маданий тадбирлар тўғрисидаги адабиётлар билан танишиб, тадбирлар ва байрамларни ташкил этишнинг амалий жиҳатлари билан қиёсланади.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўзбек миллий байрамлари умуминсоний қадрият эканлигини илмий-назарий жиҳатдан асослаш ва ушбу жараёнга йўналтирилган илмий методик тавсиялар ишлаб чиқиш

Тадқиқотнинг вазифалари:

- муаммога доир тарихий, фалсафий, демографик, социологик, филологик, педагогик ва психологик манбаларни ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

- ўзбек миллий байрамларини ташкил этиш жараёнининг мавжуд ҳолатини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ва умумлаштириш;

- ўзбек миллий байрамларини ташкил этиш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир этувчи воситаларни танлаб олишга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш;

- ўзбек миллий байрамлари воситасида миллий тарбиянинг мазмуни, шакли, восита ва методларини аниқлаш;

- ўзбек миллий байрамларини ташкил этиш самарадорлигини такомиллаштириш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: ўзбек миллий байрамларининг хусусиятини ўрганиш, ташкил этиш, ўтказиш билан боғлиқ бўлган ижодий ва ташкилий жараён;

Тадқиқотнинг предмети: байрам тадбирлари, унинг драматургияси (сценарий) ва турли санъат воситаларидан фойдаланишнинг шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг методлари: миллий байрамларни ташкил этиш жараёнининг самарадорлигини оширишга оид манбаларнинг аналитик обзори, мавзуга алоқадор ҳужжатлар, қарорлар, миллий маънавий тарбияга оид семинарлар, кенгашлар материалларини ўрганиш, соҳа мутахассислари ва олимлари, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан интервью, суҳбатлар;

Тақиқотнинг методологик асоси: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25 июндаги “2013 -2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 178-сон қарори, Республикамизнинг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг маданият ва санъат, маънавиятга оид китоблари, айниқса, “Юксак маънавият - енгилмас куч” асари мазкур битирув малакавий ишнинг моҳиятини очиб беришга катта ёрдам берди. Шунингдек, маданий тадбирларни ташкил

этиш, байрамларни ўтказишга оид адабиётлардаги маълумотлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- ўтказилаётган байрамларда умуминсоний қадриятлар элементларини қўллаш, тарбиявий жихатларга эътиборни кучайтириш орқали, ёшларга маънавий таъсир қилиш механизминини ишлаб чиқиш;

- Миллий байрамлар сценарийсида ғоя пайдо бўлишига томошанинг аниқ берилган шарт-шароити: унинг мавзуси, ғоя ва олий мақсади ўтказилаётган жой байдиий куч ва материал воситаларининг мавжудлиги назарияси ишлаб чиқилди;

- Ўзбек миллий байрамларнинг драматургиясида композицион тузилиш бўйича назарий маълумотлар тўпланди ва таҳлил этилди;

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, унда ўзбек миллий байрамларни ташкил этишда умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш имкониятлари биринчи марта махсус тадқиқ қилинди. Шунингдек, санъат олий ўқув юртларидаги миллий байрамларни ташкил этиш бўйича талабаларга атрофлича билим бериш, машғулотлар ва турли тадбирлар ўтказишнинг ташкилий-педагогик жиҳатлари, байрам сценарийларини тузишга қўйиладиган педагогик талаблар (мезонлар)нинг илмий асосланган мазмуни билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: Тадқиқот жараёнида ўтказилган педагогик усуллар ва тадқиқот натижасида тўпланган илмий хулосалардан услубий тавсияномалар ишлаб чиқилиб, халқ байрамларни сахналаштириш ва ташкил қилишда, маданий-маърифий тадбирларни ташкиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги назарда тутилади.

Тадқиқот ишининг структуравий тузилиши: Битирув малакавий иши кириш, 2 боб, тўрт параграф, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат

I боб. Ўзбек миллий байрамларининг тарихий илдизлари ва уларнинг таснифи

1.1. Байрамларнинг келиб чиқиши ва уларнинг турли халқларда нишонланиш анъаналари тавсифи

Байрам (туркийча — катта йиғин, тўй) — кенг нишонланадиган тантанали кун. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт давомида келиб чиқиши, мазмуни, ижтимоий ҳаётда қарор топишига кўра анъанавий, диний, миллий ва бошқа байрамлар вужудга келди. Авлоддан-авлодга мерос тариқасида ўтиб келадиган байрам анъанавий байрам дейилади. Масалан, Наврўз байрами. анъанавий байрамлар бирор халқ ёки миллатнинг айна вақтдаги ижтимоий турмуши, ҳаёт кечириш тарзи билан бевосита боғлиқ бўлмайди. Диний байрамда ҳар бир монотеистик диннинг ақидаларида белгилаб қўйилган маросимлар нишонланади. Масалан, Ийд байрами, миллий байрамларда у ёки бу миллатнинг тарихидаги муҳим воқеа-ҳодисалар нишонланали. Масалан, Мустақиллик куни, Конституция куни. Булардан ташқари яна касб-хунар байрамлари ҳам бор (ўқитувчи ва мураббийлар куни, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни каби). Шўролар ҳукмронлиги даврида ўзбек халқининг қадимий миллий, анъанавий янги йил байрамларидан ҳисобланган Наврўз Қатағон қилиниб, диний байрамлар (Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити) тазйиққа учради. Кўп йиллар давомида, айниқса, зиёли ва фирқа аъзолари ҳайит намозини ўқиш учун масжидга чиққанликлари учун ҳам таъқиб қилинди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Президент И.А.Каримовнинг фармони билан рўза ва қурбон ҳайитларининг биринчи кунлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Ҳайит кунлари ва улар билан боғлиқ маросимлар батамом қарор топди, шунингдек бошқа қадриятлар ҳам тикланмоқда. Чунончи, Наврўз умумхалқ байрами сифатида ҳар йили катта тантана қилиниб, бу кун (21 март) дам олиш куни деб эълон қилинди.

Тарихий жараёнда байрамлар маъноси, ғояси халқнинг ўйи, дарди, орзу-умидлари асосида пайдо бўлган ва ўзгариб, ривожланиб борган. Мустамлакачилар ҳам, маҳаллий ҳукмдорлар ҳам байрамларга ўз ғояларини

сингдиришга ҳаракат қилган. Масалан, Наврӯз, Меҳржонга мустамлакачилар ўз мафкура- сани ёки ислом пешволари диний ғояларини сингдиришга интиланган. Қадимда инсонлар асосан овчилик қилиб кун кечирганлар. Овдан кўпроқ ўлжа билан қайтган овчилар хурсанд бўлиб, ов жараёнларини имо-ишора ва махсус ҳаракатлар билан ўйин шаклида такрорлашган. Натижада “ов ўйинлари” байрам тадбирлари вужудга келган. Ибтидоий одамлар ҳаётида “овчилик ўйинлари” овдан олдин ва кейин ўтказилиб борилган. Овчилик асосида аста-секин чорвачилик шаклланган. Бронза даврларидан бошлаб, ўтроқ деҳқончилик вужудга келиши ва унинг ривожланиши натижасида икки анъана: 1) баҳорда уруғ қадаш ва 2) кузда ҳосилни йиғиб олиш маросим байрамларига айланган. Марказий Осиё халқларининг асосий одат, маросим ва байрамлари коинот, табиат, фалсафа ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ, Аجدодларимиз борлиқдаги муҳим тўрт нарса (қуёш, ҳаво, ер, сув)ни аниқлаш билан бир қаторда, улар 7 билан боғлиқ тўрт улуғ кунни ҳам белгилаб, нишонлашга одатланган. Масалан, табиат уйғониши, кун-тун тенглиги, дала ишларининг бошланишида наврӯз, ёзда – сувга эҳтиёж кучайганда - Ангом (Вахшангом) (сув байрами), кузда - Меҳржон (Чири-руж, Ним сарда), қишда энг узоқ тун ва қисқа кун бўлганда, совуқ кунда (қишки чилла) Сада-Олов байрами каби байрамларни уюштиришган. Авестошунос Мери Бойсинг ёзишича, қадимда зардуштийларнинг қуйидаги еттита байрами мавжуд бўлган: 1. Маидйой – зарэмаё – баҳор ўртаси. 2. Маидйой – шем- ёз ўртаси. 3. Паяитшайха – ғалла йиғиш байрами. 4. Айттрима – чорванинг ёзги яйловдан қайтиши. 5. Маийаирё – қиш ўртаси. 6. Хамаспатмаёда – фраваш (руҳлар шарафига зиёфат бериш). 7. “Наврӯз” (Авесточа қанақа номланганлиги маълум эмас).

Юқоридаги байрамлар диний маросим шаклида ўтиб, улар Ахурамазда шарафига бағишланган ибодат билан бошланган. Ибодатдан сўнг хурсандчилик, ўйин-кулги бўладиган зиёфат ўтказишган. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудида яшовчи халқларнинг қадимий байрамлари ҳақида X-XI асрларда яшаган буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний “Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида ёзиб қолдирган. Берунийнинг

ёзишича, Хоразм ҳудудида яшаган халқларнинг икки турда байрамлари бўлган:

1. Табиат ҳодисаларига бағишланганлари: йил боши байрами (наврўз), очилиш байрам, гулханда исиниш байрами ва бошқалар.

2. Диний маросимлар (исломгача бўлган даврда) арвоҳлар учун қабрларга овқат қўядиган кун ва бошқалар. Аجدодларимизнинг қадимги тақвими Наврўздан бошланган. Меҳнаткаш халқ ҳаётида муҳим ўрин тутган баҳор байрамлари янги меҳнат мавсуми бошланишидан дарак берган. Наврўз ҳақида Беруний шундай ёзади: “Наврўз... ўтмиш замонларда... қуёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра, у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. Энди у бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, ҳайвонларда уйғониш мавсуми бошланишидан то насл вужудга келгунича давом этган вақтда келади. Шунинг учун “Наврўз” оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган”. “Наврўз”нинг пайдо бўлиши ҳақида кўплаб афсоналар мавжуд. Масалан, зардуштийлар даврида эзгулик худоси Ахурамазда (Хурмуз) баҳор, ёзда, ёвузлик худоси Анхарамайню (Ахриман) – кузда ва қишда ҳукмронлик қилади, деган қараш мавжуд бўлган. Баҳорнинг биринчи кунини эзгулик худоси ёвузлик худоси устидан ғалаба қилган муқаддас сана, деб байрам қилишган. Бу сана “Наврўз” кунига айнан тўғри келган. Яна бир қадимий афсонага кўра, Одам Ато ва Момо Ҳаво илк бор учрашган кун “Наврўз” байрами деб тан олинган эмиш. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида эса янги йил * (“Наврўз”)нинг пайдо бўлиши шоҳ Жамшид номи билан боғланади. Жамшид одамларга яхшилик қилиш мақсадида Паҳлавий ва дарий тилида “нур”ни “шад” дердилар. Шунинг* учун бу сўз бошига “Жам” сўзини қўшиб, “Жамшид” деб атай бошладилар. 9 уларни касбга ўргатади, темирни эритиб қурол ясатади, ип йигиртириб, кийим тўкилади, ҳаммом, уй, саройлар бунёд қилдиради, табиблик сирларини очади, кема ясатади, боғ барпо қилдиради. Ниҳоят, Жамшиднинг ишлари гуркираб, мева берган кунда ўзига тахт ясатиб, унда осонгина кўтарилади. Бу “Шоҳнома”да қуйидагича таърифланади: Тахт кўкда чарх урар мисоли қуёш, Фармондор

ўтирар, унда ирғаб бош. Барча жам, одамлар қарар тахтига, Жаҳон қойил бўлиб шукуҳ-бахтига. Жамшидга сочишар олтину гавҳар, Шу кунни янги йил – байрам дейишар. Йил боши Хурмузу эди фарвардин, Дилда на ғам қолди, на адоват-кин. Улуғлар шодлик-ла базм курдилар, Юзларин чолғуга, мойга бурдилар.

Алишер Навоий ҳам “Тарихи мулки ажам” номли асарида Жамшиднинг буюк кашфиётлари сўнггида улуғ Наврўзни ихтиро қилганлигини баён қилади. Навоий ёзишича: “Жамшид “Чихил минор” номли одамзод кўрмаган ва ақл бовар қилолмайдиган баланд бино куриб...: “бу иморат туганди, олам салотин ва ашров ва аҳборин йиғиб, анда азим жашн қилди. Ул вақтиким, куёш нуқта эътиқодли раббийга тахвил қилиб эрди ул бинода тахт устига ўлтириб, адолат сайт ва садосин оламга мунташир қилди ва ул кунининг отин наврўз қўйди”. Беруний асарида келтирилган афсона бўйича ҳам Наврўзнинг келиб чиқиши Жамшид шоҳга боғланади: “Жамшид ўзига арава ясаб олгач, ўша куни аравага чиқиб олди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбован (Дамованд тоғи)дан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшиднинг (арава учишига) тақлид қилиб, арғимчоқларга учдилар”.

“Наврўз”нинг пайдо бўлиши ҳақидаги бу каби афсоналарни турлича талқин қилиш мумкин. Бироқ “Наврўз”нинг қачон ва қандай вужудга келганлигини аниқ кўрсатиш қийин. Шундай бўлсада, ишонч билан айтиш мумкинки, бу байрам доно кишилар томонидан кашф қилинган. Чунки “Наврўз” коинот ва табиат қонуниятлари, яъни куёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча ва кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланиш юз бериши, баҳорнинг келиши билан боғлиқ тарзда илмий асосланиб белгиланган. Бу эса ҳар қандай жамиятда “йил боши” (қачон келишидан қатъи назар) “Наврўз”ни табиат байрами сифатида нишонлаш учун асос бўлган. Аслида “Наврўз” ибтидоий жамоа даврида одамлар деҳқончиликка янги иш мавсуми бошладан олдин ўтказадиган баҳор байрами сифатида шаклланган. Замонлар ўтиши билан бу байрам такомиллашиб, унга мос кун аниқланган. У “йил боши”

сифатида белгиланиб, унга “Наврўз” (яъни, “Янги кун”) деган ном берилган, деб тахмин қилиш мумкин. Мана шу тариқа Наврўз байрами ҳар йили 21 мартда нишонланиб келинади. Янги йил байрами Ўрта Осиё халқлари, кўпгина шарқ мамлакатлари- дагидек, ҳозирги кунда икки янги йилни, яъни боболар одати бўйича анъанавий “йил боши” – “Наврўз”ни ва Европанинг ҳамма мамлакатларида расмий қабул қилинган 1 январни янги йилнинг кириб келиши деб байрам қиладилар. Янги йил бутун дунёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам қизиқарли ва мазмунли байрамга айланмоқда. Бу байрам турли халқларда турли вақтда нишонланишидан қатъий назар, мунтазам равишда ўтказилиб туриладиган, муайян астрономик ритмда ернинг қуёш атрофида бир марта тўлиқ айланиши, тўрт фасллик табиат йилининг яна такрорланиши кабилар билан боғлиқ. Бир йилда ер қуёш атрофида 940 миллион км йўлни босиб ўтади (Бу секундига 40 км демакдир). Ер қуёш атрофини 365 кун 5 соат 48 дақиқа, 46 сонияда айланиб чиқади. Демак, коинот ва табиат бир марта тўлиқ айланиб чиқишини нишонлайдиган сана бу – янги йил байрамидир. Рим императори Юлий Цезарь милоддан аввалги 46- йилда мисрликлар тажрибаси асосида янги Юлиан календарини яратган. Бу календарга қуёшнинг “туғилиши”, куннинг узая бошлаши, қуёшнинг қиш буржидан чиқиб янги буржга кириши асос қилиб олинган.

Бироқ, рим консуллари жойларга бориб, 1 январдан иш бошлаши кераклиги учун бу сана янги йил боши деб қабул қилинган. 1582 йилда Рим папаси Григорий календарни ислоҳ қилади. Чунки Юлиан календарига ҳар 128 йилда 1 кеча-кундуз йиғилиб, бу 10 кунни ташкил этадиган эди. Григорий календарни 10 кун олдинга суради. Шундан кейин турли мамлакатларда аста-секин Григорян календарига ўта бошланади. Ҳозирги даврда у дунё бўйича қабул қилинган календарь ҳисобланади. Дунёда янги йилнинг киришини 1 январь деб қабул қилинган бўлсада, бироқ уни кутиб олиш турли мамлакатларда ҳар хил вақтга тўғри келади. Масалан, Эфиопияда янги йил сентябрнинг ўрталарида, Бирмада эса, апрель ойида байрам қилинади. Индонезиянинг баъзи оролларида янги йил байрами 10 кун давом этади ва ҳар йили турли ойларда

нишонланади. Ҳатто баъзи бир мамлакатларнинг ўзида янги йил турли ойларда нишонланади. Масалан, Ҳиндистоннинг жанубида янги йил март ойида, Шимолда- апрель ойида, Ғарбда-октябрь ойида, Керала штатида эса гоҳ июль, гоҳ августда кутилади. Кўпгина шарқ халқларида юқорида айтилганидек, баҳорнинг кириб келиш вақти- “Наврўз” 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси байрам қилинган, у ҳозир ҳам йил боши ҳисобланади.

Янги йилни нишонлаш турли мамлакатларда қадимдан турлича одатлар билан ўтади. Италияда янги йил кирар кун деразадан барча эски нарсаларни улоқтиришар экан. Кун чиқар мамлакат – Японияда эса, янги йил куни ярим тунда қўнғироқдан 108 марта зарб берилади. 100 ва 8 рақами Японияда бахтли ҳисобланади. Қўнғироқнинг сўнгги зарбидан кейин ҳамма ётиб ухлайди. Унинг барча шаҳар ва қишлоқларидаги аҳолиси 1 январь куни тонг отишини кўриш учун кўчаларга чиқади. Янги йил қуёш чиқиши билан кутиб олинади. Қуёшнинг биринчи нурлари ерга етганда японлар бир-бирларини янги йил билан табриклаб, ўзаро совға алмашадилар. Кечгача кўчалар одамлар билан гавжум бўлиб, қўшиқлар, турли ўйинлар ва бошқа томошалар уюштирилади. Кечки пайт японлар уй-уйларига қайтадилар ва ўз оилалари даврасида байрамни давом эттирадилар. Байрам бутун январь ойида давом этади. Янги йил японлар учун фақат байрам бўлибгина қолмай, балки туғилган кун ҳам ҳисобланади. Янги йил арафасида идишларга тоза сув тўлдирилади. Бамбук ва қарағай новдалари осиб қўйилади, гуручли шўрва, сельд балиғидан тайёрланган таомлар тортилади. Кубада ярим тунга яқин кўзалар сувга тўлдирилади. Соат миллари 12 ни кўрсатгач, сув ерга тўкиб ташланади. Бу эски йил бахт олиб келганлигини ҳамда янги йил ҳам сувдай тиниқ ва тоза бўлиши лозимлиги маъносини англатади. Ҳар бир кубалик 12 донадан узум ейиши шарт, бу йил бўйи бахтиёр бўлайлик, деган маънони англатади. Шотландияда янги йил куни истаган киши хоҳлаган хонадонга меҳмонга кириши мумкин. Фақат бир шarti бор, у ҳам бўлса – меҳмоннинг қўлида бир бўлак кўмир бўлиши керак. Меҳмон уйга киргач, кўмирни оловга ташлайди, бу билан у, бу хонадонда узоқ вақт олов ўчмаслигининг тарафдори эканини билдиради. 13 Корея қишлоқларида

янги йил киргандан сўнг кўчаларда оммавий сайил бошланиб, қизлар ўртасида баландликка сакраш бўйича мусобақа ўтказилади. Руминияда янги йил дастурхонига варақилар пишириб қўйилади. Одатга кўра, унинг ичига танга, узук, митти чинни, қўғирчоқ ва қалампирга ўхшаш нарса соли- нади. Уни еган одам ўзининг “бахт” ва “иқбол”ини синайди. Варақидан гармдори чиқиши шўр пешоналик ҳисобланар экан.

Венгрияда янги йил дастурхонига парранда гўшти қўйилмайди, чунки парранда учади, оилада шу куни парранда гўшти ейиш баракани, бахтни учирай эмиш. Гвинеяда янги йилнинг биринчи куни кўчаларда филларни етаклаб юриш одати бор. Кенияда янги йилда сувда чўмиладилар, қайикда сайр этиб, хурсандчилик қиладилар. Суданда янги йил куни одамлар бир-бирларига ёнғок ҳадя этадилар, бу - йил давомида бахт сизга ҳамроҳ бўлсин, деганидир. Хитойда эса, янги йилни қадимдан “Ой календари” бўйича январь охири, февраль бошида нишонлайди. Шу куни эски удумларга асосан кишилар бир-бирига пул солинган қизил конверт совға қиладилар. Янги йилда “Йўлбарс” маросим рақси жуда тантанали ва узоқ давом этади. Вьетнамда янги йил тунда кутилади. Кеч тушиши билан вьетнамликлар боғ ва кўчаларда гулханлар ёқиб, бир нечта оила ушбу гулхан атрофида йиғилади, ҳамда турли таомлар пиширишади. Бирмада янги йил йилнинг энг иссиқ пайтида кириб келади. Шунинг учун бу байрам Бирмада Сув “фестивали” номини олган. Сув фестивалида хоҳ кичик, хоҳ катта киши бўлсин, ҳамма бир-бирига сув сепеди. Бу одат бахт тилаш рамзий маъносини билдиради.

Ирландияда янги йил кириб келиши олдида кечга яқин барча хонадонлар эшиги очилади ва истаган киши исталган уйга меҳмон бўлиб кириши мумкин. Шу кеча соат 11:30 да улар ўз шаҳарларининг марказий хиёбонларига йиғилиб, қўшиқлар айтадилар, ўйнайдилар ва сайр қиладилар. Мўғулистонда янги йил чорвадорлик байрами билан бирга кириб келади. Улар байрамда қўй гўшти пиширишади, чучвара тайёрлашади, уларнинг эътиқодича ким кўп овқат еса, узоқ умр кўради. Байрамда чакқонлик ва ботирлик мусобақалари ўтказилади. Болгарияда эса, одамлар байрам дастурхонлари

атрофида йиғилганларида уч дақиқа чироқ ўчириб қўйилади. Бу дақиқаларда барча янги йил ниятларини “кўнгилга тугади”. Қадимдан кўпгина халқлар (кўпроқ шарқда) янги йилни эрта баҳорда ёки кузда кутиб олишган. Славянларда ва бошқа христиан халқларда кишни кузатиш ва баҳорни кутиш вақтида мартда “Масленица” янги йил байрами нишонланган. Христиан дини тарқалиши билан эса у “Византия системаси” бўйича кузда, 1 сентябрда нишонланадиган бўлган. Россияда янги йилни 1 январда байрам сифатида нишонлаш илк бор Пётр I томонидан 1699 йилда жорий этилган. Пётр I янги йилни “Лотин одати бўйича” кутиш ҳақида махсус фармон бериб, унда 1 январь кирак кечаси гулханлар ёқиш, уйни яшил ўсимликлар (арча) билан безаш ҳақида, кишилар янги йил билан бир-бирини табриклашларига даъват этган. Шундай қилиб, Россияда 1700 йилдан бошлаб 1 январь янги йил байрами сифатида нишонлана бошланган. Шўролар даврида ҳам янги йил кутиб олинган бўлиб 1947 йилдан буён 1 январь - Янги йил байрами – дам олиш куни деб эълон қилинган. 15 Ўрта Осиёда бу байрам XIX аср охирида бу ердаги Европаликлар томонидан нишонлана бошланган бўлса ҳам, бу янги байрам – Янги йил ўзбек ҳаётига ҳам XX асрда сингиб кетди. Ҳозир эса, 1 январь – Янги йил ўзбек халқининг ҳам энг сеvimли ва қувноқ байрамига айланган. Ўзбекистонда янги йил байрами қиш чилласи ва Ялдо кечаси билан боғлиқ халқ анъаналарининг давомига айланиб кетди. Маълумки, 21 декабрдан 22 декабрга ўтар кечаси энг узун тун (17 соат) содир бўлади. Қишнинг бу энг узун ва қоронғи кечасини Ялдо кечаси дейишган. Элшунос олим Билол Аминов ёзган маълумотларга қараганда: Ялдо кечаларини халқимиз ҳатто зориқиб кутишган. Қиш кезлари ҳафта сайин гап-гаштак ейилган даврага тўпланганлар ширингуфторлик билан суҳбат қурганлар, сандал атрофида жам бўлиб палов ёки норин тановул қилишган. “Ялдо кеча”ларида гап-гаштак ўйнаган хонадон соҳиби меҳмонларни тўкин дастурхон тузаб кутиб олган. Қўй сўйилиб, тандир нонлар ёпилган. Қишга асралган қовун-тарвузлар, узуму-анорлар омборлардан олиб чиқилиб дастурхонга пешма-пеш тортиб турилган. Халқ шу тариқа ўз байрамларини нишонлаб келган.

Ўзбек миллий байрамлар муайян этноснинг урф-одат, удум ва маросимлар ҳамда халқ ижодиёти санъати элементлари комплекслари асосида ривожланади. Ўзбек миллий байрамларнинг ўзига хослиги шундаки, барқарорлиги, оммавийлиги, мазмунан узвийлиги, тарихий шароит тақозосига кўра ривожланиб туриши хусусиятларидан иборат. Оммавий шаклда ўтказилиб келинаётган мавсумий маросимларнинг халқ оммавийлиги-бадий тадбирлар уларнинг байрам шаклига нисбатан мазмун ва бадийлик жihatдан тор ва кенг “Наврўз”-йил боши, гул сайллари, лола, қизил гул, сунбула сайли. “Сув сайли” – қадимий номи “Ангон”, “Меҳрижон” – куз байрами ва бошқа байрамлар сингари ўзбек этномаданияти меросига мансуб байрамлар ҳақида Шарк мутафаккирлари кўплаб изохлар, шархлар, фикрлар билдиришган. Шарк мутафаккирларидан А.Беруний, Умар Хайём, , Садриддин Айний, Маҳмуд Кошғарий ва бошқалар тадқиқотлари ҳақида илмий ва назарий ахборот беришган ва ёзиб қолдиришган.

Ўзбеклар ҳам бошқа халқлар каби ўзининг турли қадимий байрам ва тадбирларига эга. Ўзбек халқ тадбирлари ўз тараққиёти давомида миллий характердаги байрам, сайллар, анъаналарини ифодалаб келмоқдаки, бу бир неча йўналишларда ривож топмоқда. Масалан, а) ўтмиш пайдо бўлган халқ анъаналари, сайллари, байрамларнинг мазмуни ва бошқалар; б) барча миллатлар учун умумий бўлган, улар ҳаёти, хохиши, эътиқодига мувофиқ тушувчи, янги- янги миллий байрамлар оммавий сайллар, урф-одатлар вужудга келмоқда. Ҳар қандай тадбирга кишилар алоҳида тайёргарлик кўришадилар.

Мустақиллик байрами Ўзбекларнинг азал-азалдан тўйлари кўп бўлган. Тўйлар – орзу-умидлар ушалиши айёми сифатида ҳозир ҳам давом этмоқда. XX асрнинг сўнгги 10 йиллиги бошида ўзбек тўйлари қаторига яна бир шодиёна – республикамизнинг мустақиллик байрами куни қўшилди. 1991 йилдан бошлаб 1 сентябрь куни энг азиз, энг улуғ миллий байрам куни бўлиб қолди. 1 сентябрь мустақиллик куни сифатида мамлакатимиз миқёсида ҳар йили катта шодиёна билан нишонланмоқда. Мустақиллик ўзбек халқига ўз кадр-қимматини, бўй-бастини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий ғурур ва Ватанга

муҳаббат туйғуларини камол топтиришга тўла-тўқис асос яратди. Мустақиллик байрами ўзбек халқининг энг муҳим анъанасига айланмоқда.

1991 йил 1 сентябрда илк бор мустақиллик байрами Ўзбекистонда нишонланди. Мустақиллик байрами куни халқ оммавий сайилга чиқади, барча вилоятлар ва туман-ларда байрам тантаналари катта шодиёна билан нишонланади. Дунёнинг барча халқлари мустақиллик кунини ўзларининг энг асосий байрами деб ҳисоблашади. Масалан, АҚШ, Финландия, Греция, Бангладеш, Сенегал, Исроил, Хорватия, Филиппин, Вьетнам, Кипр каби жуда кўплаб мамлакатларда мустақиллик куни давлатнинг энг асосий байрами саналади. Баъзи давлатларда республика мустақиллиги билан боғлиқ бир неча сана нишонланади. Масалан, Қозоғистонда 25 октябрь - Республика куни, 16 декабрь – мустақиллик куни сифатида байрам қилинади. Жанубий Африка Республикаси, Македония каби давлатларда миллий байрам республика куни деб аталади. Туркменистон эса 12 декабрь Нейтралитет куни деган ном остида мустақиллик байрами-ни нишонлайди. Қирғизистон 31 августда, Тожикистон эса 9 сентябрда мустақиллик кунини байрам қилади. 2001 йилда Украина, Грузия республикалари ҳам ўз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонладилар. Озарбайжонда 28 май Озарбайжон республикаси тикланиш куни (1918 йил) сифатида байрам қилинса, 18 октябрь, Мустақиллик куни ҳисобланади. Арманистонда 28 май Мустақиллик куни, 21 сентябрда Арманистон Республикаси мустақиллиги тўғрисида референдум йиллиги нишонланади. Беларус Республикаси 3 июлни Мустақиллик куни деб белгилаган бўлса, шундай байрам Молдовада 27 августда ўтказилади.

Мустақиллик байрами Ўзбекларнинг азал-азалдан тўйлари кўп бўлган. Тўйлар – орзу-умидлар ушалиши айёми сифатида ҳозир ҳам давом этмоқда. XX асрнинг сўнгги 10 йиллиги бошида ўзбек тўйлари қаторига яна бир шодиёна – республикамиз-нинг мустақиллик байрами куни қўшилди. 1991 йилдан бошлаб 1 сентябрь куни энг азиз, энг улуғ миллий байрам куни бўлиб қолди. Мустақиллик байрами ўзбек халқининг энг муҳим анъанасига айланмоқда.

1.2. Ўзбек миллий ва диний байрамларининг жамият тараққиётида тутган ўрни, роли ва тарбиявий аҳамияти

Дин тарихига оид манбаларда қайд қилинишича, мусулмонлар биринчи марта Муҳаммад пайғамбар бошчилигида рўза тутишган экан. Шунини таъкидлаш керакки, Муҳаммад пайғамбардан олдинги пайғамбарлар ва уларнинг умматлари ҳам рўза тутишган. Айтишларича, Довуд пайғамбар йилнинг олти ойи мобайнида рўза тутган. Муҳаммад пайғамбар ҳар душанба ва пайшанба кунлари рўза тутишликни одат қилган. Бундан ташқари, у ҳар ойнинг боши, ўртаси ва охирида рўза тутган дейишади. Рўза ҳайити Рамазон – ҳижрий йил ҳисобининг 9-ойи бўлиб, ислом ақидалари бўйича бу ойда Оллоҳ Муҳаммад алайҳис- саломга Қуръонни ваҳий қилган экан. Шунинг учун ҳам ислом дунёсида рамазон муқаддас ҳисобланиб, бу ойда мусулмонлар рўза тутишади. Рамазон якунида эса исломнинг катта байрамларидан бири – Рўза ҳайити бошланади. Бу ҳайит рамазон ойи сўнггида рўза тутиш тамом бўлганидан сўнг, дастлабки 3 кун ичида нишонланади. Бу ҳайит рўза тутиш одати билан боғлиқ. Қуръоннинг “Бақара” сурасидаги 183-187-оятларида рўза тутиш ҳақида бундай дейилади: “Эй, мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинади. Энди сизлардан бирор киши хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саноғини бошқа кунларда тутати. Оллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди... Ва то тонгдан оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача еб-ичаверинглар. Сўнгга кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар” (Қуръон. Иккинчи жуъз // Шарқ юлдузи. 1990. 4-сон. -156-157 бетлар). Қуръон ва ҳадисларда рўза тутиб, тақводор бўлишга алоҳида эътибор берилади. Тақво – кундуз кунлари ейиш ва ичишдан ўзини тийиш билан бирга, барча ёмон иллатлар, масалан, ёлғон сўзлаш, бировнинг кўнглини оғритиш, пора бериш ва пора олиш, ноҳақ зуғум қилиш, шаҳвоний ишларга берилиш кабилар)дан ҳам сақланишдир. Имом Бухорий ҳадисда ёзилган ривоятлар бўйича Муҳаммад алайҳис- салом шундай деган эканлар: “Албатта, рўза бир сақловчи нарсасидир.

Сизлардан кимки рўздор бўлса, фахш сўзларни сўзламасин, жоҳил кишиларнинг ишини қилмасин. Агарда бир киши у билан уришса ёки сўкишса “мен рўздорман, мен рўздорман”, - деб айтсун”.

Дин тарихига оид манбаларда қайд қилинишича, мусулмонлар биринчи марта Муҳаммад пайғамбар бошчилигида рўза тутишган экан. Шунинг таъкидлаш керакки, Муҳаммад пайғамбардан олдинги пайғамбарлар ва уларнинг умматлари ҳам рўза тутишган. Айтишларича, Довуд пайғамбар йилнинг олти ойи мобайнида рўза тутган. Муҳаммад пайғамбар ҳар душанба ва пайшанба кунлари рўза тутишликни одат қилган. Бундан ташқари, у ҳар ойнинг боши, ўртаси ва охирида рўза тутган дейишади. Қурбон ҳайити “Қурбонлик”- “яқинлик”, “Худога яқинлашиш” деган маънони билдиради. Шунингдек, қурбонлик Худонинг раҳм-шафқатига сазовор бўлиш, унга миннатдорчилик билдиришни ифодаловчи маросимдир. Қурбонлик одати қадимдан кўпгина қабилалар, халқлар ва деярли барча динларда мажуд бўлган. У турлича тарзда (масалан одам ёки унинг танасининг бир қисми, шунингдек, ҳайвонларни қурбон қилиш ва бошқалар) амалга оширилган. Қадимда баъзи халқлар (жумладан, сомий, араб, яҳудийлар) ўз қулларини ва фарзандларини (ўғил ва қизларини) ҳам қурбон қилишган. Қурбонлик маросими муқаддас диний китобларда, хусусан “Инжил” ва “Қуръон”да ўз ифодасини топган. “Қуръон”нинг “кавсар” сурасида Муҳаммад алайҳиссаломнинг бобоси – Абдул Мутталиб Зам-зам булоғининг суви камайиб қолганида, сувни кўпайтиришини Худодан тилаб, ўз ўғилларидан бирини қурбонликка атагани ҳақида ривоят бор. “Инжил” даги ривоятда Иброҳим (Авраам) ўзининг чин эътиқодини исботлаш учун тўнғич ўғли Исҳоқ (Исаак)ни қурбон қилишга қарор қилганида, Худо уни тўхтатиб, боланинг ўрнига қўчқорни сўйишга буюрган (Инжил. Борлик 19 китоби, 22-боб, 1-14 бандлар). “Қуръонда” келтирилган ривоятда эса Иброҳим ўзининг иккинчи ўғли Исмоилни қурбон қилмоқчи бўлади.

Кейинги вақтларда Қурбон ҳайити кўпроқ мотам маросими, яъни марҳумлар ўтган фотиҳали хонадонларга бориш, қабристонларни зиёрат қилиш кунига айланиб қолмоқда. Бу юмушлар бошқа кунларда ёки ҳайит арафаси- да

бажарилса ҳам бўлаверади. Қурбон ҳайити – бу хурсанд-чилик куни. Қурбон ҳайити байрами, энг аввало, тириклар-нинг бир-бирини йўқлайдиган кундир. Шу боисдан бу куни ота-оналар, қариялар, етим-есирлар йўқланиб, уларга қўлдан келганча мурувватлар кўрсатилади, совға-салом (“ҳайитлик”, “бозорлик”)лар берилади. Қурбон ҳайити барча кишилар учун хурсандчилик ва иноқлик куни бўлиши лозим. Шунинг учун бу кун одамлар, миллатлар ўртасидаги низолар, келишмовчиликлар унути-либ, гина-қудратлар кечириладиган санага айланмоғи лозим. Бу кунда одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат, қадр-қиммат, инсонийлик каби хислатлар улуғлан-моғи зарур. Меҳржон Абу Райҳон Беруний “Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар” номли асарида “Меҳржон” сўзини “қуёш “ ва “жон севгиси” деган маънолар билан боғлаб талқин қилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки энг қадимги даврларда кўпгина ибтидоий халқлар қатори ўрта осиеликлар ҳам қуёшга сиғинишган. Бу ҳақда “тарих отаси” деб танилган юнон олими Геродот (милоддан олдинги 490-425-йилларда яшаган) ўрта осиеликлар “Худолардан фақат қуёшни эъзозлайдилар, унга отларни қурбонлик қиладилар”, дейди (История Узбекистана в источниках. Т: Фан, 1984, 55-бет). Кўпгина қадимий халқларда қуёшга сиғиниш полисистик (кўп худолик) қарашларнинг муҳим ва таркибий қисмига айланиб кетган. Туркий қавмлардан бир хун 20 (гун)лар орасида ҳам кўп худолик мавжуд бўлиб, улар қуёш худоси билан бирга ой, осмон, ер, юлдузлар тангриларига ҳам сиғинишган. “Хунлар тонг саҳарлаб қуёшга сажда қилишган, тунда ойга сиғинишган, муҳим ишларни ой ва юлдузларга қараб ҳал қилишган, ой тўлганида душман ларга ҳужум қилишган, ой тутилганда чекинишган. Кўк тангриси билан ер тангриси ҳаётни яратган, қуёш тангриси билан ой тангриси томонидан ҳукмронлик тахти ато қилинган деб ҳисоблашган” (Маҳмудов К. Туркий қавмлар тақдири //Фан ва турмуш. 1990, 11-сон.- 22-23 бетлар).

Шунинг учун ҳам, улар қуёшни “бобо” (“Қуёш бобо”) – “бизни яратган илоҳий куч”, деб унга сиғинганлар, мадҳиялар ўқиганлар, орзу-умидлари рўёбга чиқиши учун ундан нажот сўраганлар, унинг номи билан онт ичганлар, ўз ишларини бошлаганлар. Қуёш номини кишилар ва муқаддас жойларга

қўйганлар. Масалан, қадимий хоразм тилида қуёшни “Хвара” деб атаганлар. Аجدодларимиз бу ўлкага “Хворазем” (кейинчалик “Хоразм”) номини беришган. Кўплаб байрамлар номига ҳам “хвара” сўзини қўшишиб, уларни “Бобохвара”, “Амехвара” деб атаганлар. Тарихий манбаларда қуёшга бағишлаб махсус байрамлар ўтказилгани ҳам қайд қилинади. Чунончи, Беруний Озармоҳ ойининг биринчи куни “одамлар қуёшга сиғинишарди...” деб ёзади. Қиш чиқиши ва баҳор келиши пайтида содир бўлган бу ҳодиса ҳам, қадимда баъзи халқларда сақланиб қолган. Чунончи, шимолда яшайдиган таймирликлар ҳозир ҳам “Қуёш байрами” ўтказадилар. Бу байрам уларнинг энг катта тантанали байрами ҳисобланади.

Тарихий манбаларни таҳлил қилиб, шундай тахмин лар қилиш мумкин: биринчидан, баҳорда байрамлар кўпайиб кетганлиги сабабли, кузги байрамлардан бирининг мавқеи оширилиб, у катта тантанага айлантирилган бўлиши мумкин; иккинчидан, II-III асрларда (сосонийлар сулоласи даврида) байрамлар ўтказилаётган муддатлар ўзгартирилган пайтда қуёш байрамларидан бири кузги кун-тун тенглигига кўчирилган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Албатта, қуёшпарастлик даврларида бундай байрамлар ўзига хос номлар билан аталган бўлиши керак. Бироқ миллоддан олдинги (1-минг йилликлар бошида) бундай кузги байрамлар турли жойларда, масалан, Эронда ва бошқа жойларда “Меҳржон” (ёки “Меҳргон”), кўҳна Хоразмда – “Чири-руж”, Сўғдда эса “Нимсарда” номи билан машҳур бўлган. Бу байрам ҳақида Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарининг изоҳлар қисмида қуйидагилар ёзилган: “Меҳргон эронликларнинг кузги байрами, меҳр ойининг 16-куни, кузги кеча-кундуз тенглигида келади” (Фирдавсий. Шоҳнома. Т., 1975. 721-бет). “Меҳржон” ўша замонларда энг йирик байрам бўлиши баробарида, у бошқа байрамлар билан ҳам бевосита боғлиқ бўлган. Хусусан, “Наврўз” ва “Меҳржон” зардуш- тийлар йилномасида бир-бирига фойз бериб, икки дурдек чакнаб турган. Шунинг учун бўлса керак, Беруний “Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, “Наврўз” ва “Меҳржон”- замоннинг икки кўзидир”, дейди.

Мўғулистонда янги йил чорвадорлик байрами билан бирга кириб келади. Улар байрамда кўй гўшти пиширишади, чучвара тайёрлашади, уларнинг эътиқодича ким кўп овқат еса, узоқ умр кўради. Байрамда чаққонлик ва ботирлик мусобақалари ўтказилади. Болгарияда эса, одамлар байрам дастурхонлари атрофида йиғилганларида уч дақиқа чирок ўчириб қўйилади. Бу дақиқаларда барча янги йил ниятларини “кўнгилга тугади”. Қадимдан кўпгина халқлар (кўпроқ шарқда) янги йилни эрта баҳорда ёки кузда кутиб олишган. Славянларда ва бошқа христиан халқларда кишни кузатиш ва баҳорни кутиш вақтида мартда “Масленица” янги йил байрами нишонланган. Христиан дини тарқалиши билан эса у “Византия системаси” бўйича кузда, 1 сентябрда нишонла- надиган бўлган. Россияда янги йилни 1 январда байрам сифатида нишонлаш илк бор Пётр I томонидан 1699 йилда жорий этилган. Пётр I янги йилни “Лотин одати бўйича” кутиш ҳақида махсус фармон бериб, унда 1 январь кирар кечаси гулханлар ёқиш, уйни яшил ўсимликлар (арча) билан безаш ҳақида, кишилар янги йил билан бир-бирини табриклашларига даъват этган. Шундай қилиб, Россияда 1700 йилдан бошлаб 1 январь янги йил байрами сифатида нишонлана бошланган. Шўролар даврида ҳам янги йил кутиб олинган бўлиб 1947 йилдан буён 1 январь - Янги йил байрами – дам олиш куни деб эълон қилинган.

Ўрта Осиёда бу байрам XIX аср охирида бу ердаги Европаликлар томонидан нишонлана бошланган бўлса ҳам, бу янги байрам – Янги йил ўзбек ҳаётига ҳам XX асрда сингиб кетди. Ҳозир эса, 1 январь – Янги йил ўзбек халқи- нинг ҳам энг сеvimли ва қувноқ байрамига айланган. Ўзбекистонда янги йил байрами қиш чилласи ва Ялдо кечаси билан боғлиқ халқ анъаналарининг давомига айланиб кетди. Маълумки, 21 декабрдан 22 декабрга ўтар кечаси энг узун тун (17 соат) содир бўлади. Қишнинг бу энг узун ва қоронғи кечасини Ялдо кечаси дейишган. Элшунос олим Билол Аминов ёзган маълумотларга қараганда: Ялдо кечаларини халқимиз ҳатто зориқиб кутишган. Қиш кезлари ҳафта сайин гап-гаштак ейилган даврага тўпланганлар ширингуфторлик билан суҳбат қурганлар, сандал атрофида жам бўлиб палов ёки норин тановул

қилишган. “Ялдо кеча”ларида гап-гаштак ўйнаган хонадон соҳиби меҳмонларни тўкин дастурхон тузаб кутиб олган. Қўй сўйилиб, тандир нонлар ёпилган. Қишга асралган қовун-тарвузлар, узуму-анорлар омборлардан олиб чиқилиб дастурхонга пешма-пеш тортиб турилган. Халқ шу тариқа ўз байрамларини нишонлаб келган.

1991 йил 1 сентябрда илк бор мустақиллик байрами Ўзбекистонда нишонланди. Мустақиллик байрами куни халқ оммавий сайилга чиқади, барча вилоятлар ва туманларда байрам тантаналари катта шодиёна билан нишонланади. Дунёнинг барча халқлари мустақиллик кунини ўзларининг энг асосий байрами деб ҳисоблашади. Масалан, АҚШ, Финландия, Греция, Бангладеш, Сенегал, Исроил, Хорватия, Филиппин, Вьетнам, Кипр каби жуда кўплаб мамлакатларда мустақиллик куни давлатнинг энг асосий байрами саналади. Баъзи давлатларда республика мустақиллиги билан боғлиқ бир неча сана нишонланади. Масалан, Қозоғистонда 25 октябрь - Республика куни, 16 декабрь – мустақиллик куни сифатида байрам қилинади. Жанубий Африка Республикаси, Македония каби давлатларда миллий байрам республика куни деб аталади. Туркменистон эса 12 декабрь Нейтралитет куни деган ном остида мустақиллик байрами- ни нишонлайди. Қирғизистон 31 августда, Тожикистон эса 9 сентябрда мустақиллик кунини байрам қилади. 2001 йилда Украина, Грузия республикалари ҳам ўз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонладилар. Озарбайжонда 28 май Озарбайжон республикаси тикланиш куни (1918 йил) сифатида байрам қилинса, 18 октябрь, Мустақиллик куни ҳисобланади. Арманистонда 28 май Мустақиллик куни, 21 сентябрда Арманистон Республикаси мустақиллиги тўғрисида референдум йиллиги нишонланади. Беларус Республикаси 3 июлни Мустақиллик куни деб белгилаган бўлса, шундай байрам Молдовада 27 августда ўтказилади. Рўза ҳайити Рамазон – ҳижрий йил ҳисобининг 9-ойи бўлиб, ислом ақидалари бўйича бу ойда Оллоҳ Муҳаммад алайҳис- саломга Қуръонни ваҳий қилган экан. Шунинг учун ҳам ислом дунёсида рамазон муқаддас ҳисобланиб, бу ойда мусулмонлар рўза тутишади. Рамазон якунида эса исломнинг катта байрамларидан бири – Рўза

хайити бошланади. Бу хайит рамазон ойи сўнггида рўза тутиш тамом бўлганидан сўнг дастлабки 3 кун ичида нишонланади. Бу хайит рўза тутиш одати билан боғлиқ. Қуръон нинг “Бақара” сурасидаги 183-187-оятларида рўза тутиш ҳақида бундай дейилади: “Эй, мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилин- гани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинади. Энди сизлардан бирор киши хаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саноғини бошқа кунларда тутати... Оллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди. Ва то тонгдан оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача еб- ичаверинглар. Сўнгга кечгача рўзани бенуқсон қилиб тутинглар” (Қуръон. Иккинчи жуъз // Шарқ юлдузи. 1990. 4-сон. 156-157 бетлар).

Қуръон ва ҳадисларда рўза тутиб, тақводор бўлишга алоҳида эътибор берилади. Тақво – кундуз кунлари ейиш ва ичишдан ўзини тийиш билан бирга, барча ёмон иллатлар, масалан, ёлғон сўзлаш, бировнинг кўнглини оғритиш, пора бериш ва пора олиш, ноҳақ зуғум қилиш, шаҳвоний ишларга берилиш кабилар)дан ҳам сақланишдир. Имом Бухорий ҳадисда ёзилган ривоятлар бўйича Муҳаммад алайҳиссалом шундай деган эканлар: “Албатта, рўза бир сақловчи нарсадир. Сизлардан кимки рўзадор бўлса, фаҳш сўзларни сўзламасин, жоҳил кишиларнинг ишини қилмасин. Агарда 18 бир киши у билан уришса ёки сўкишса “мен рўзадорман, мен рўзадорман”,- деб айтсун”.

Дин тарихига оид манбаларда қайд қилинишича, мусулмонлар биринчи марта Муҳаммад пайғамбар бошчилигида рўза тутишган экан. Шуни таъкидлаш керакки, Муҳаммад пайғамбардан олдинги пайғамбарлар ва улар- нинг умматлари ҳам рўза тутишган. Айтишларича, Довуд пайғамбар йилнинг олти ойи мобайнида рўза тутган. Муҳаммад пайғамбар ҳар душанба ва пайшанба кунлари рўза тутишликни одат қилган. Бундан ташқари, у ҳар ойнинг боши, ўртаси ва охирида рўза тутган дейишади. Қурбон хайити “Қурбонлик”- “яқинлик”, “Худога яқинлашиш” деган маънони билдиради. Шунингдек, қурбонлик Худонинг раҳм-шафқатига сазовор бўлиш, унга миннатдорчилик билдиришни ифодаловчи маросимдир. Қурбонлик одати қадимдан кўпгина

қабилалар, халқлар ва деярли барча динларда мажуд бўлган. У турлича тарзда (масалан одам ёки унинг танасининг бир қисми, шунингдек, ҳайвонларни қурбон қилиш ва бошқалар) амалга оширилган. Қадимда баъзи халқлар (жумладан, сомий, араб, яҳудийлар) ўз куллари ва фарзандларини (ўғил ва қизларини) ҳам қурбон қилишган.

Қурбонлик маросими муқаддас диний китобларда, хусусан “Инжил” ва “Қуръон”да ўз ифодасини топган. “Қуръон”нинг “кавсар” сурасида Муҳаммад алайҳиссалом- нинг бобоси – Абдул Мутталиб Зам-зам булоғининг суви камайиб қолганида, сувни кўпайтиришини Худодан тилаб, ўз ўғилларидан бирини қурбонликка атагани ҳақида ривоят бор. “Инжил” даги ривоятда Иброҳим (Авраам) ўзининг чин эътиқодини исботлаш учун тўнғич ўғли Исҳоқ (Исаак)ни қурбон қилишга қарор қилганида, Худо уни тўхтатиб, бола- нинг ўрнига қўчқорни сўйишга буюрган (Инжил. Борлик 19 китоби, 22-боб, 1-14 бандлар). “Қуръонда” келтирилган ривоятда эса Иброҳим ўзининг иккинчи ўғли Исмоилни қурбон қилмоқчи бўлади. Кейинги вақтларда Қурбон ҳайити кўпроқ мотам маросими, яъни марҳумлар ўтган фотиҳали хонадонларга бориш, қабристонларни зиёрат қилиш кунига айланиб қолмоқда. Бу юмушлар бошқа кунларда ёки ҳайит арафасида бажарилса ҳам бўлаверади. Қурбон ҳайити – бу хурсандчилик куни. Қурбон ҳайити байрами, энг аввало, тирикларнинг бир- бирини йўқлайдиган кундир. Шу боисдан бу куни ота-оналар, қариялар, етим- есирлар йўқланиб, уларга қўлдан келганча мурувватлар кўрсатилади, совғасалом (“ҳайитлик”, “бозорлик”) лар берилади. Қурбон ҳайити барча кишилар учун хурсандчилик ва иноқлик куни бўлиши лозим. Шунинг учун бу кун одамлар, миллатлар ўртасидаги низолар, келишмовчиликлар унутилиб, гина-қудратлар кечириладиган санага айланмоғи лозим. Бу кунда одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, иззат-ҳурмат, қадр-қиммат, инсонийлик каби хислатлар улуғлан- моғи зарур. Меҳржон Абу Райҳон Беруний “Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар” номли асарида “Меҳржон” сўзини “қуёш “ ва “жон севгиси” деган маънолар билан боғлаб талқин қилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки энг қадимги даврларда кўпгина ибтидоий халқлар қатори ўрта

осиёликлар ҳам қуёшга сиғинишган. Бу ҳақда “тарих отаси” деб танилган юнон олими Геродот (милоддан олдинги 490-425-йилларда яшаган) ўрта осиёликлар “Худолардан фақат қуёшни эъзозлайдилар, унга отларни қурбонлик қиладилар”, дейди (История Узбекистана в источниках. Т: Фан, 1984, 55-бет). Кўпгина қадимий халқларда қуёшга сиғиниш полисистик (кўп худолик) қарашларнинг муҳим ва таркибий қисмига айланиб кетган. Туркий қавмлардан бир хун 20 (гун)лар орасида ҳам кўп худолик мавжуд бўлиб, улар қуёш худоси билан бирга ой, осмон, ер, юлдузлар тангриларига ҳам сиғинишган. “Хунлар тонг саҳарлаб қуёшга сажда қилишган, тунда ойга сиғинишган, муҳим ишларни ой ва юлдузларга қараб ҳал қилишган, ой тўлганида душманларга ҳужум қилишган, ой тутилганда чекинишган. Кўк тангриси билан ер тангриси ҳаётни яратган, қуёш тангриси билан ой тангриси томонидан ҳукмронлик тахти ато қилинган деб ҳисоблашган” (Маҳмудов К. Туркий қавмлар тақдири //Фан ва турмуш.- 1990,- 11-сон.- 22-23 бетлар). Шунинг учун ҳам, улар қуёшни “бобо” (“Қуёш бобо”) – “бизни яратган илоҳий куч”, деб унга сиғинганлар, мадҳиялар ўқиганлар, орзу-умидлари рўёбга чиқиши учун ундан нажот сўраганлар, унинг номи билан онт ичганлар, ўз ишларини бошлаганлар. Қуёш номини кишилар ва муқаддас жойларга қўйганлар. Масалан, қадимий хоразм тилида қуёшни “Хвара” деб атаганлар. Аجدодларимиз бу ўлкага “Хворазем” (кейинчалик “Хоразм”) номини беришган. Кўплаб байрамлар номига ҳам “хвара” сўзини қўшишиб, уларни “Бобохвара”, “Амехвара” деб атаганлар.

Тарихий манбаларда қуёшга бағишлаб махсус байрамлар ўтказилгани ҳам қайд қилинади. Чунончи, Беруний Озармоҳ ойининг биринчи куни “одамлар қуёшга сиғинишарди...” деб ёзади. Қиш чиқиши ва баҳор келиши пайтида содир бўлган бу ҳодиса ҳам, қадимда баъзи халқларда сақланиб қолган. Чунончи, шимолда яшайдиган таймирликлар ҳозир ҳам “Қуёш байрами” ўтказадилар. Бу байрам уларнинг энг катта тантанали байрами ҳисобланади. Тарихий манбаларни таҳлил қилиб, шундай тахминлар қилиш мумкин: биринчидан, баҳорда байрамлар кўпайиб кетганлиги сабабли, кузги байрамлардан бирининг мавқеи оширилиб, у катта тантанага айлантирилган

бўлиши мумкин; иккинчидан, II-III асрларда (сосонийлар сулоласи даврида) байрамлар ўтказилаётган муддатлар ўзгартирилган 21 пайтда қуёш байрамларидан бири қузғи қун-тун тенглигига қўчирилган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Албатта, қуёшпарастлик даврларида бундай байрамлар ўзига хос номлар билан аталган бўлиши керак. Бироқ миллоддан олдинги (1-минг йилликлар бошида) бундай қузғи байрамлар турли жойларда, масалан, Эронда ва бошқа жойларда “Меҳржон” (ёки “Меҳргон”), қўхна Хоразмда – “Чири-руж”, Сўғдда эса “Ним-сарда” номи билан машҳур бўлган. Бу байрам ҳақида Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарининг изоҳлар қисмида қуйидагилар ёзилган: “Меҳргон эронликларнинг қузғи байрами, меҳр ойининг 16-қуни, қузғи кеча-қундуз тенглигида келади” (Фирдавсий. Шоҳнома. Т., 1975.- 721-бетда). “Меҳржон” ўша замонларда энг йирик байрам бўлиши баробарида, у бошқа байрамлар билан ҳам бевосита боғлиқ бўлган. Хусусан, “Наврўз” ва “Меҳржон” зардуш- тийлар йилномасида бир-бирига файз бериб, икки дурдек чақнаб турган. Шунинг учун бўлса керак, Беруний “Қуёш ва Ой фалакнинг икки қўзи бўлганидек, “Наврўз” ва “Меҳржон”- замоннинг икки қўзидир”, дейди.

Маълумки, барча муҳим ҳодисаларнинг яхши ниятлар билан бошланиб, муваффақиятли якунланиши кишиларга байрам кайфиятини бағишлайди. Кишилар табиат уйғониши, далаларда иш бошланишини “Наврўз” (“йил боши”) сифатида тантана қилганлар. Ўсимликлар дунёсининг ўсишдан тўхтаб, “уйқуга кетиши” ва меҳнат мавсуми якунланишини “Меҳржон” (“Йил ярми”) деб нишонлаганлар. Бу байрамлар кимлардир томонидан шунчаки ўйлаб топилмаган. Улар қоинот, табиат қонуниятлари, Қуёш ва Ер ўртасидаги муносабатлар асосида вужудга келган. Жумладан, “Наврўз” баҳорги қун-тун тенглигини қайд қилса, “Меҳржон” қуздаги ўша ҳолатни таъкидлаган. “Меҳржон” байрами, бир томондан, қоинот ва ерга жон ато этиб турган 22 қуёшни қадрлашга даъват қилган, иккинчидан барчани қиш ғамини ейишга ундаган. Аждодларимизнинг асосий байрамларидан бири бўлиб келган – “Меҳржон” кейинги минг йил ичида алоҳида байрам сифатида кенг

нишонланмай қўйилган бўлсада, у бутунлай йўқолиб кетмади. “Меҳржон” куз ва ҳосил байрамларига бўлиниб кетди. Эндиликда кўпгина қадимий байрамлар каби “Меҳржон”ни ҳам тиклаш ғояси ўртага ташлана бошлади. Мустақилликдан сўнг қадимий “Меҳржон” Ўзбекистонда ҳам ўтказилди. “Меҳржон” Тошкент шаҳри Марказий бола- лар истироҳат боғида ҳар йили куз фаслида ўтказилмоқда. Ҳосил тўйи Халқимизда ҳар бир мева ёки сабзавотга бағишлан- ган алоҳида сайиллар билан бир қаторда, уларнинг барчаси- га бағишлаб бир йўла ўтказиладиган байрам ҳам бўлган. У “Ҳосил байрами”, “Ҳосил тўйи” ёки “Хирмон тўйи” деб аталган.

Бу байрам деҳқонларнинг меҳнат мавсуми якунла- ниб, уларнинг бўш пайтлари кўпайган вақтда уюштирилган. “Ҳосил байрами” томоша-ўйинларга жуда бой бўлганидан, катта сайилга айланиб кетган. Деҳқонлар йил бўйи қилган меҳнатларининг роҳатини ана шу байрамда ҳис қилишиб, мароқли дам олишган. “Эрта тонгданоқ бошланадиган бу сайилнинг энг катта томошаси улоқ ўйини бўлиб, улоққа чиққан йигитларнинг “Ол-ҳа, ол, ҳайда-ҳа, қоч” деган бақириқ-чақириқлари майдонни тутиб кетади. Улоқ майдони ёқалаб сал нарига ўтсангиз, баланд дор устида югуриб юрган довюрак дорбозларга кўзингиз тушади. Пастда эса масхарабоз ўзининг турли қилиқлари билан оломонни кулдираяпти. Ёнида алп қоматли полвон тош кўтараяпти. Йўл устида ҳўроз ва бедана уриштираётганлар атрофида одамлар гавжум. Ундан сал нарида баққоллик дўконлари ёнида ошпазлар катта қозонларда ҳар хил таомлар, сихланган кабоблар пиширишаяпти. Яна бир 23 даврада бел олишиб, миллий кураш тушаётган полвонларнинг ҳаяжонли қиёфаларига кўзингиз тушади. Рақибни енгган полвонга шу ернинг ўзидаёқ совринлар берилади. Хуллас, “Ҳосил байрами”-“Томоша” шундай ташкил этилади” (Юнусов Х. Томоша // Маҳалладош. 1991.14 ноябрь).

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни Жамиятнинг бугуни ва келажаги, унинг маданий- маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади. Таълим- тарбия тизимидаги ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи ва мураббийларга

боғлиқ. Шу сабабли мамлакатимизда ўқитувчилар меҳнاتини қадрлашга, уларга ҳар жиҳатдан ғамхўрлик кўрсатишга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон андозалари асосида ислоҳ қилиш, янги илм масканлари қуриш, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Ўқитувчилик азал-азалдан эътиборли касб ҳисобланади. Мамлакатимизда республика Президентининг 1996 йил 9 январдаги Фармони билан 1 октябрь “Ўқитувчилар ва мураббийлар куни” деб белгиланган. Мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг обрў-эътиборини янада ошириш, ёшларимизнинг биздан кўра билимли, кучли ва албатта бахтли бўлишлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Байрам кунлари ўқитувчилар қутлуғ айём билан муборакбод этилади. Оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов табриги берилади. Мамлакатимизда ўқитувчи-мураббийлар байрами қуйидагича ўтади. Аввало байрам арафасида республикамизнинг энг илғор ўқитувчи-мураббийлари давлат мукофотлари билан тақдирланади. Барча ўқув юртларида ўқитувчиларга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтади, улар учун дастурхонлар ёзилади, шогирдлар устозларига ўз тилакларини изҳор этадилар. Тадбирларда ўқитувчиларга бағишланган куй ва кўшиқлар янграйди. Собиқ ўқувчилар устозларини байрам билан табриклаш учун мактабга келадилар. Хотин-қизлар байрами Хотин-қизлар байрамининг тарихи узоқ ва қизиқарлидир. Аксарият кишилар бу байрам XX асрда вужудга келган деб ўйлашади. Аммо қадимий тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, хотин-қизлар байрами Ўрта Осиёда қадимдан оналик уруғи ҳукмдорлиги (матриархат) даврида ҳам бўлган экан. Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида ҳам узоқ ўтмишда аёллар байрами мавжуд бўлганлиги ҳақида қизиқарли маълумотларни қайд этган.

Маълум бўлишича, баҳор арафасидаги ой – “исфандар- мўз” деб номланиб, бу ой аёллар оийи ҳисобланган. Шу ойнинг бешинчи куни эса аёлларнинг энг катта байрами ҳисобланган. Беруний “Ўтмиш замонларда бу ой ва кун хотинлар ҳаётига хос бўлиб, эрлар уларга эҳсон қилар эдилар”,-деб

ёзади. Исфандармўз сўзининг маъноси “ақл” ва “мулоҳаза” демакдир. “Исфандармўз” – гўзал соҳиба, номусли, яхши ишлар қилувчи ва эрига муҳаббатли хотинга вакил қилинган фариштанинг номи ҳамдир. Қадимда Ўрта Осиё халқлари орасида аёллар байрами (“Исфандармўз”) нишонланган. Бироқ у Ўрта асрларга келиб кўпгина қадимий байрамлар каби йўқолиб кетган.

XX аср бошида Европада вужудга келган халқаро хотин-қизлар куни, бизга яна ўша қадимий байрамимизни қайтарди, десак муболаға бўлмайди. Дунё хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий тенглиги, эркинлиги учун кураш кунини жорий қилиш ташаббуси илк бор 1910 йил Копенгагенда бўлиб ўтган II Халқаро аёллар 25 конференциясида Клара Цеткин томонидан ўртага ташланди. Бу ташаббус 1911 йил Австрия, Дания, Германия, Нидерландия, Швейцария илғор аёллари томонидан қўллаб-қувватланди. 1914 йилга келиб, Россия, АҚШ, Германия, Австрия, Франция каби мамлакатларда 23 февраль (8 март) да хотин-қизлар байрами ўтказила бошланди. Бизнинг мамлакатимизда ҳам 8-март хотин-қизлар байрами катта тантаналар билан нишонланади. Шу куни дам олиш куни бўлиб, барча жойда байрам тадбирлари ўтказилади

Байрамлар ҳам жамиятдаги ўзгаришларга қараб, маълум даражада ўзгариб боради. Янги байрамлар пайдо бўлади. Лекин бу билан байрам шодиёнаси, инсонлар хурсандчилиги ўзгармайди. Инсон байрам кунлари ўз ҳаётидаги ташвишларни унитиб, янги либослар кийишга, ўйин-кулги билан ғуборини ёзишга ҳаракат қилади.

“Байрам – бу маълум вақтдаги идеал ҳаётдир” – деб таъкидлайди И.И.Мазаев.

“Байрам – ҳар бир фуқаро ва бутун жамият ҳаётини акс эттирувчи ўзига хос ижтимоий ҳодисадир” – деб таъриф берган Д.М.Генкин. Бу фикрларини янада ойдинлаштириб шундай деб ёзади, “Байрам – бу воқелик билан санъатни уйғунлаштирувчи, у ёки бу реал ҳаётний воқеани бадиий безаб кўрсатувчи ўзига хос антиқа ҳодисадир” .

“Байрам дунё маданиятида йиғилган энг қимматли бойликларни ўзида уйғунлаштиради” – деб фикр юритади А.И.Арнолдов.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида байрамга қўйидагича таъриф берилган: - “Байрам (туркийча – катта йиғин, тўй) – кенг нишонладиган тантаналик кун. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт давомида келиб чиқиши, мазмуни, ижтимоий ҳаётда қарор топишига кўра анъанавий, диний, миллий ва бошқа байрамлар вужудга келди. Авлоддан-авлодга мерос тариқасида ўтиб келадиган байрамлар анъанавий байрамлар дейилади. Масалан: Наврўз байрами. Анъанавий байрамлар бирор халқ ёки миллатнинг айна вақтдаги ижтимоий турмуши, ҳаёт кечириш тарзи билан бевосита боғлиқ бўлмайди. Диний байрамларда ҳар бир монетистик диннинг ақидаларида белгилаб қўйилган маросимлар нишонланади” .

Тадқиқотчи Э.В.Соколов байрамларни барча дам олиш шакллари орасида энг афзали деб кўрсатади. Чунки байрам тадбирларида дам олишнинг энг самарали шакллари мужассамлашади .

Профессор У.Қорабоевнинг фикрича: “Байрамнинг ўзига хос хусусияти унда кенг омманинг иштирок этишидир. Байрам аввало кўпчилик учун уюштирилади ва у бевосита одамларнинг иштирокида ўтади. Театрлар, концерт заллари, телевидение кўрсатувлари, радио эшиттиришларида омма фақат томошабин, тингловчи ролини бажарса, байрамларда одамлар фаол иштирокчи сифатида қатнашади. Байрамларда ҳамма ўз қобилиятини намойиш қилиши мумкин. Кишилар байрам тадбирларини иштирокчи сифатида кузатади ва бўлган воқеаларга ўз муносабатини билдира олади. Байрамларнинг ўзига хос яна бир хусусияти уларнинг бир неча (комплекс) тадбирлар синтезидан ташкил топишидир. Ҳар бир байрам кўплаб тадбирлар асосида уюштирилади. Байрамнинг ташкил қилиниши – унинг мавзуси, ғоя, йўналиши махсус шакл, тадбир ва маросимлар орқали намоён этишдир. Одатда ҳар бир оммавий (айниқса, очик жойлардаги) байрамнинг очилиш маросим-тадбири бўлади. Ундан сўнг, бир жойда – байрам кўргазмалари, кўрик-танловлари; иккинчи жойда – дор ўйини, полвонлар чиқишлари; учинчи жойда - аския ва қизикчилар чиқишлари, кўғирчоқ театри томошалари; тўртинчи жойда – бадий ҳавоскорлик жамоалари, фольклор этнографик ансамбллари

концертлари; бешинчи жойда – спорт мусобақалари кабилар ташкил қилинади. Анъаналар, маросимлар, театрлаштирилган концерт ва томошалар, карнаваллар, намойишлар, халқ ўйинлари байрамларнинг асосий таркибий қисми саналади. Оммавий байрамлар шу каби тадбирлар асосида ўтказилади” .

Байрам - ўзига хос, кўп томонли ижтимоий ҳодиса бўлиб, ҳар бир инсонни, жамиятнинг ҳаётини намоён этади. Унинг барча дунё халқлари орасида тарқалганлигидан, байрамларнинг инсон ва жамият учун ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган бебаҳо бойлик эканлигига амин бўламиз. «Байрам жамият ҳаётининг органик бўлаги бўлиб, шу билан бир қаторда, ҳар бир инсоннинг ҳаёти ва фаолиятини тенглаштириб, омма эркин ҳаёт фаолиятининг марказига айланиб, алоҳида олинган шахснинг эмоционал таранглигини оловчи разряд функциясини бажаради» .

Профессор Э.В.Соколов байрамларнинг аҳамияти ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Байрамнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳамияти шу билан белгиланадики, у муҳим анъаналарни қўллаб, инсоният маданиятининг ютуқларини мустаҳкамлайди» . Дарҳақиқат, байрамлар миллатнинг, жамиятнинг моддий ва маданий соҳаларидаги энг яхши томонларини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон байрамларида анъанавий халқ педагогикаси катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кунгача бу анъаналар бизга етиб келган. Айниқса, инсонлардаги бир-бирини эъзозлаш, катталарни ҳурмат қилиш, эзгуликка интилиш, гўзалликни асраш, миллий қадриятларни қадрлаш, илм-фанга интилиш, ватанни севиш каби чуқур фалсафий ғоялар илгари сурилиб, тарбиянинг пойдевори бўлиб хизмат қилган. Замонавий байрамларимизда ҳам ана шу халқ педагогикасининг асосий ўғитлари сақланиб қолган.

Оммавий байрамларни ташкил этишга бўлган эҳтиёжнинг педагогик аспекти шундаки, бу эҳтиёж, қизиқишни сценарий режиссёрлик ва ташкилотчилик фаолиятини амалий қуроллар ёрдамида қондиришга эришишдир. Байрамларни назарий ҳамда амалий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, байрам оддий маданий-маърифий тадбир бўлибгина қолмай, балки

юқори ижтимоий, инсониятнинг чуқур илдизли ҳаёт фаолиятининг комплекс шаклидир.

Дарҳақиқат, санъат қошоналари, санъатни ўргатувчи муассасалар бошқа ташкилот ёки муассасалардан ўзининг кўп жиҳатлари билан ажралиб туради. Чунки санъат соҳаси билан шуғулланувчи муассасаларда “саҳна” деб аталмиш мукаддас бир пирхона борки, унда фаолиятнинг асосини тарбия, инсонларга яхшилик, эзгулик улашиш, давр мафкурасига хизмат қилиш, Ватанни севиш, ардоқлаш каби буюк ниятларга интилиш ташкил этади. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Саҳна санъати инсонларга нафақат завқу-шавқ бахш этади, айнаи вақтда миллий ғурур, миллий ифтихор манбаи, қудратли тарбия воситаси ҳам бўла олиши – бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир”, деб айтган сўзлари айнан саҳна санъатининг жамиятимиз тараққиётидаги аҳамиятининг буюклиги ва бунга давлатимиз томонидан катта эътибор бериши фикримизнинг далилидир.

Тарих шуни исботлайдики, байрамлар маъноси, ғояси халқнинг ўйи, дарди, орзу-умидлари асосида пайдо бўлган ва ўзгариб, ривожланиб борган. Байрамларнинг яна бир хусусияти уларнинг муайян вақт, махсус сана билан боғлиқлигидир. Кишиларда байрам кайфияти аввалдан белгиланган вақт, сана, кун келганида пайдо бўлади. Масалан, қишнинг совуқ кунларидан сўнг об-ҳавонинг исиши, теварак-атрофнинг кўм-кўк либосга ўраниши, дов-дарахтларнинг гуллаши – баҳор келиши барча кишиларга олам-олам қувонч шодлик олиб келади. Албатта, бу ўзгаришдан ҳар ким ўзича завқланади. Аммо табиат гўзаллиги ва баҳор шодиёнаси ҳамма учун умумий бўлганлиги сабабли одамларда уни биргаликда нишонлаш кайфияти ҳам туғилади.

Бевосита ана шу кайфият орқали инсон тарбиясига, унинг руҳиятига таъсир кўрсатувчи воситалар бу халқ байрамлари ва томошаларидир. Байрамларнинг тарбиявий функцияси, бевосита унда қўлланилаётган таъсирчан воситалар орқали вужудга келади. Байрамлар орқали томошабинни энг содда ва энг мураккаб усулларда эстетик тарбиялаш мумкин.

II боб. Ўзбек миллий байрамларини ўтказишнинг педагогик шарт-шароитлари

2.1. Ўзбек миллий байрамлари воситасида талаба ёшларни тарбиялашнинг мазмуни, шакли, восита ва методлари

Байрам - ўзига хос, кўп томонли ижтимоий ҳодиса бўлиб, ҳар бир инсонни, жамиятнинг ҳаётини намоён этади. Унинг барча дунё халқлари орасида тарқалганлигидан, байрамларнинг инсон ва жамият учун ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган бебаҳо бойлик эканлигига амин бўламиз. «Байрам жамият ҳаётининг органик бўлаги бўлиб, шу билан бир қаторда, ҳар бир инсоннинг ҳаёти ва фаолиятини тенглаштириб, омма эркин ҳаёт фаолиятининг марказига айланиб, алоҳида олинган шахснинг эмоционал таранглигини оловчи разряд функциясини бажаради» .

Профессор Э.В.Соколов байрамларнинг аҳамияти ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Байрамнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий аҳамияти шу билан белгиланадики, у муҳим анъаналарни қўллаб, инсоният маданиятининг ютуқларини мустаҳкамлайди» . Дарҳақиқат, байрамлар миллатнинг, жамиятнинг моддий ва маданий соҳаларидаги энг яхши томонларини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон байрамларида анъанавий халқ педагогикаси катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кунгача бу анъаналар бизга етиб келган. Айниқса, инсонлардаги бир-бирини эъзозлаш, катталарни ҳурмат қилиш, эзгуликка интилиш, гўзалликни асраш, миллий қадриятларни қадрлаш, илм-фанга интилиш, ватанни севиш каби чуқур фалсафий ғоялар илгари сурилиб, тарбиянинг пойдевори бўлиб хизмат қилган. Замонавий байрамларимизда ҳам ана шу халқ педагогикасининг асосий ўғитлари сақланиб қолган.

Оммавий байрамларни ташкил этишга бўлган эҳтиёжнинг педагогик аспекти шундаки, бу эҳтиёж, қизиқишни сценарий режиссёрлик ва ташкилотчилик фаолиятини амалий қуроллар ёрдамида қондиришга эришишдир. Байрамларни назарий ҳамда амалий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, байрам оддий маданий-маърифий тадбир бўлибгина қолмай, балки

юқори ижтимоий, инсониятнинг чуқур илдизли ҳаёт фаолиятининг комплекс шаклидир. Бу шаклни тадбиқ этиш борасида Д.М. Генкин, А.А.Канович, Е.В.Руденский, Л.С.Лаптева, А.Ф.Мазаев, У.Х.Қорабоев, Б.С.Сайфуллаев, Ф.Э.Аҳмедов каби олимлар изланишлар олиб бордилар.

Д.М. Генкин байрам ва байрамона кайфиятни таҳлил қилиб, қуйидаги асосий компонентлар ва бирламчи ижтимоий эҳтиёжларни ажратиб кўрсатади:

1. Бирикишга бўлган эҳтиёж, воқеаларга бўлган шахсий чидамлилиқни тоблаб, унга бўлган муносабатини изҳор этишда бир мақсад сари интилиш;

2. Кенг ижтимоий мулоқотга интилиш эҳтиёжи;

3. Жамоа эмоционал ҳаётидаги, жамоа хурсандчилиги, тантанаси, интилишларини намоён этишга интилиш эҳтиёжи.

Байрамлар спецификаси бўйича бир қанча турларга бўлинади.

I. Ижтимоий-сиёсий байрамлар:

- 1 сентябрь – Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни;
- 8 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун;

- 14 январь - Ватан ҳимоячилари куни;

- 9 май - Хотира ва қадрлаш куни;

- 21 октябрь – Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун.

II. Миллий байрамлар:

- Наврўз байрами;

- Қовун сайили;

- Гул сайили;

- Сув сайили;

- Олма сайили;

- Қум сайили;

- Лола сайили;

- Қушлар байрами;

- Она ер саҳовати байрами;

- Меҳржон;
- Биринчи қадам болалар байрами.

III. Меҳнат байрамлари:

- Биринчи чигит қадаш байрами;
- Ҳосил байрами;
- Пахта байрами;
- Биринчи гул байрами;
- Биринчи карвон байрами.

IV. Диний байрамлар:

- Қурбон ҳайит;
- Рамазон ҳайит.

V. Календар-профессиял касб байрамлари:

- Ўқитувчилар ва мураббийлар куни;
- Радио куни;
- Театр куни;
- Шифокорлар куни;
- Милиция ходимлари куни;
- Матбуотчилар куни;
- Савдо ходимлари куни;
- Metallургллар куни;
- Авиаторлар куни;
- Темир йўлчилар куни;
- Шахтёрлар куни;
- Нефтьчилар куни;
- Геологлар куни;
- Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги куни;
- Қурувчилар куни.

VI. Календарь байрамлари:

- 1 январь - Янги йил байрами;
- 8 март - Халқаро хотин-қизлар байрами;

- 1 июнь - Халқаро болалар куни;
- 1 апрель - Кулги ва ҳазил куни ва ҳ.к.

Охирги йилларда ўзбек миллий байрамларнинг жанр муаммолари долзарб бўлиб турибти. Ўтказилаётган байрамларнинг жанрини аниқлашда баъзи мутахассислар қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Баъзан миллий байрамларнинг жанри йўқ, деган кулгили сўзларнинг гувоҳи бўламиз. Лекин бундай фикрлар нотўғри. Театр санъатидаги каби, оммавий байрамлар ҳам ўз жанр турларига эга. Бу муаммони режиссёр, олимлар Д.М.Генкин, И.Г.Шароев, И.М.Туманов, А.Д.Силин, Н.Вершковский, Б.Сайфуллаев, У.Қорабоевлар ўз изланишларида исботлаб берганлар. Уларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб, оммавий байрамларни қуйидаги жанрларга бўлиш мумкин:

- театрлаштирилган концерт;
- концерт-митинг;
- оммавий сайил;
- театрлаштирилган намоёиш;
- кўчаларда, майдонларда, стадион ва боғларда ўтказиладиган байрам ҳаракати;
- миллий санъат декадалари;
- санъат фестиваллари;
- қўшиқ байрамлари;
- рақс байрамлари;
- карнаваллар;
- сувда ўтказиладиган байрамлар;
- очик ҳавода намоёиш этиладиган театр-спектакллар;
- кўча байрамлари;
- спорт байрамлари;
- театрлаштирилган болалар байрамлари.

Республикамиз санъаткорлари билан биргаликда хорижий санъаткорларнинг чиқишлари меҳмонлар ва мезбонларга хуш кайфият бағишлади. Бу тадбир жаҳон халқларининг узаро маданий мулоқотга бўлган

ҳаётий эҳтиёжини ҳар бир халқ, ҳар бир миллат руҳида азалдан яшаб келаётган яхшилик, гўзаллик ва нафосатга интилиш ҳиссини руёбга чиқаришда бевиёс восита бўлиб химзат қилмоқда. Маълумки, “Шарқ тароналари” халқаро тадбир қисқа давр ичида дунё миқёсида ўтказиладиган маданий тадбирлар орасида ўзининг муносиб ўрнини топди. Энг муҳими мазкур тадбир халқлар ўртасида дўстликни, тинчликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадбир Регистон майдонидаги сахнада турли халқлар бир-биридан тажрибалар алмашишмоқда. Санъаткорлар ва томошабинлар учун янада қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Тадбир арафасида қадимий Самарқандда олиб борилаётган кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида шаҳар аҳолиси ёшу катталар ҳам фаол иштирок этмоқда.

Таълим-тарбия, билим бериш, малака ва кўникма ҳосил қилиш жараёни кишини ҳаётга, меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Таълим жараёнида билим ўзлаштирилади ва билим тарбия амалга оширилади. “Метод” ибораси юнонча “метхотдас” тадқиқот ёки билим йўли назария таълимот маъносини англатиб, воқеликни билиш, ўзлаштириш, ўзгартириш усуллари мажмуасидир. Метод – инсоннинг амалий фаолияти негизида вужудга келган. Метод педагогик жараён элемент сифатида мазмун мақсадларга максимал мос келиши керак, ана шунда таълим-тарбия ривожланиши амалга оширилади. Методнинг асосий вазифаси қобилиятни ривожлантириш, касбий фаолиятда методнинг асосий кўрсаткичи унинг касбий фаолият воситаларига мослигидадир. Демак, тарбиявий жараён тарбиячи ёки тарбиянинг техник бошқа воситалардаг таълим табиъадан шакл усуллари тарбия технологияси деб аталади. Тарбия ҳар бир инсоннинг ҳаётида яшаши мобайнида орттирилган сабоқлари ва интеллектуал салоҳиятларнинг ижобий кўникмасини ўзгаларга бериш жараёни ҳисобланади.

Таълим-тарбияни замон талабларига мос равишда ташкил этиш устувор мақсадимиздир. Аммо замон шиддат билан ўзгармоқда. Бугун таълим-тарбияда талаб ва эҳтиёжлар ҳам ошиб бораётгани айтиш ҳақиқат.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари билан Ўзбекистонда илм-фан ривожини янада янги босқичга олиб чиқмоқда.

Инсониятнинг неча минг йиллик тараққиёт тажрибаси шундан далолат берадики, жаҳондаги ҳар бир халқ, ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш даражаси унинг нафақат моддий ва иқтисодий соҳада эришган ютуқлари, айтилиши ва маънавий юксалиши билан ҳам белгиланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида қуйидагиларни таъкидлайди: "Моддий ва маънавий ҳаёт тамойиллари бир-бирини инкор этмайди, аксинча, ўзаро боғланиб, бир-бирини тўлдиради. Юксак тараққиётга эришишни орзу қиладиган ҳар бир инсон ва жамият ўз ҳаётини айнан ана шундай диалектик ва узвий боғлиқлик асосида қурган ва ривожлантирган тақдирдагина ижобий натижаларга эриша олади".

Бугунги кунда ер юзидаги халқларнинг маданий, маънавий тараққиёт даражасини ифода этадиган энг муҳим йўналишлар ҳақида сўз юритганда, бошқа омиллар қатори театр санъати ҳам, ҳеч шубҳасиз, биринчи навбатда тилга олинади. Бадиий ижоднинг кўпгина турлари каби ушбу санъат ҳам жаҳондаги ҳар қайси халқнинг эзгу орзу-ниятлари, ҳаёт тарзи, онгу тафаккури, гўзал ҳис-туйғуларини, тарихий ва замонавий воқеаларга бўлган муносабатини, миллий ва умумбашарий қадриятларга садоқатини таъсирчан усуллар, бетакрор бадиий лавҳалар, ҳаётий образлар орқали акс эттиришга хизмат қилади. Илмий манбаларда қайд этилишича, инсон, халқ ва жамиятнинг руҳий кайфияти, хоҳиш-иродаси қадим-қадим замонлардан бошлаб театрлаштирилган майдон томошалари, турли маросимлар, кўғирчоқ ўйинлари воситасида ифода этиб келинган. Халқимиз ўртасида "тўй" сўзининг "тўю томоша" шаклида ишлатилиши бежиз эмас.

Яъни, тўйлар, турли қувончли воқеалар муносабати билан элу юртимиз ўртасида азалдан қизиқарли ўйин-кулгулар, оммавий томошалар ўтказилган. Ҳақиқатан ҳам, қиз узатиш, келин тушириш, никоҳ маросимларини ўтказиш жараёнида айтиладиган "ёр-ёр" ва лапарлар, амалга ошириладиган расм-русум-

ларнинг ҳар бири алоҳида театрлаштирилган сахна, десак, адашмаган бўламиз. Ёки янги туғилган чақалоқни бешикка солиш, ўғил болаларни суннат қилиш билан боғлиқ удумларнинг асосий қисмини ҳам миллий рухдаги томошалар ташкил этади. Бу сахналарнинг сценарий муаллифи ҳам, режиссёри ва ижроچиси ҳам халқ, оддий одамларнинг ўзи экани, улар неча-неча замонлар мобайнида шаклланиб, сайқалланиб келгани айниқса эътиборлидир. Шундай экан, халқ томошалари унинг урф-одат ва анъаналари билан уйғун ва ҳамоҳанг ҳолда пайдо бўлган, дейишга тўлиқ асослар бор. Бошқача айтганда, оддий одамларнинг қувонч ва шодликлари, ғам-ташвишлари, табиатга, Яратганга меҳр-муҳаббати, илтижо ва муножотлари – барчаси қадимдан ўзига хос бадиий кўринишга, театрлашган шаклга эга бўлган.

Қарийб уч минг йилдан буён халқимиз маънавий ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келаётган Наврўз байрамини оладиган бўлсак, унинг сайил ва томошалари, ўйин-кулгулари ва қадриятларида қанча фольклор сахналари, қанча бадиий ижод намуналари, оммавий театр санъатига хос лавҳалар борлигини кўрамиз. Табиийки, ана шундай байрамлар, диний, дунёвий маросимлар халқимизнинг урф-одатлари, онгу тафаккури, маънавий дунёсининг шаклланиши, неча асрлар давомида уларнинг безавол яшаши, ривожланиши учун асос бўлиб келмоқда.

Халқнинг энг яхши анъаналари, одатлари, ахлоқий қоидаларини ўзида мужассамлаштириши, сақлаши ва ривожлантириши билан ёшлар тарбиясида ҳам байрамнинг аҳамияти катта. Айниқса, мустақиллик даврида нишонланаётган оммавий байрам ва томошаларнинг олий мақсади баркамол авлод тарбиясига қаратилган бўлиб, турли сахнавий таъсирчан воситалар орқали намоёниш этилиб, тарғиб қилинмоқда. Лекин кичик доираларда ёки маҳаллий тарзда ўтказилаётган халқ байрамларида байрам ўз функциясини тўлақонли акс эттирмаяпти.

2.2. Миллий байрамларнинг умуминсоний қадрият эканлигини ёшлар онгига сингдириш технологияси

Маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларини ривожлантириш, уни янги давр, янгича дунёқараш нуқтаи назаридан тараққий топтириш, бу соҳаларда ҳам ислохатларни амалга ошириш давлатимиз ва жамиятимиз истиқболининг устувор йўналишларидандир. Бундай замонавий тушунчалар, янги услублар, кашфиётлар нечоғли аҳамиятли бўлса, аجدодларимизнинг бу соҳалардаги маънавий-иждодий меросининг аҳамияти ҳам ундан кам эмас. Юртимизда истиқлол йилларида улкан иқтисодий, маънавий-маърифий ислохатлар олиб борилмоқда.

Давлатимиз биринчи президенти “Хар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади” – деб таъкидлаган сўзлари, мустақиллик даврида маънавиятга, маданиятга ва санъатга бўлган эътиборнинг юксак далилидир.

Шу сабаб сўнгги йилларда Республикада маданият ва санъат, шу жумладан байрамларга бўлган эътибор кун сайин ошиб бормоқда. Чунки, байрам - ўзига хос, кўп томонли ижтимоий ҳодиса бўлиб, ҳар бир инсонни, жамиятнинг ҳаётини намоён этади. Унинг барча дунё халқлари орасида тарқалганлигидан, байрамларнинг инсон ва жамият учун ҳеч нарсага алмаштириб бўлмайдиган бебаҳо бойлик эканлигига амин бўламиз.

“Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумиллий дастурининг ҳаётимизга чуқур тадбиқ этилаётгани ёшларимизга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатиш, уларни иш билан таъминлаш, соғлигини асраб-авайлаш, маънавиятини юксалтириш, қобилияти ва иқтидорини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Шу ўринда давлатимиз раҳбари томонидан ташкил этилган уч босқичли узлуксиз спорт тизими – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”,

Универсиада спорт мусобакалари бераётган юксак самаралар, болалар спортини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бу борада биринчи президентимиз ўз сўзларини қуйидагича таъкидлаб ўтган, “Бугунги кунда ҳаётимизда том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган, дунё жамоатчилиги ҳақли равишда эътироф этаётган таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ислохотларимиз қандай катта натижалар бераётгани ҳақида ҳар қанча фахрланиб, ғурурланиб гапирсак арзийди, албатта. Ҳақиқатдан ҳам, бундан 12 йил олдин бошланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда унинг таркибий қисми сифатида қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади. Бу дастурлар доирасида юртимизда минг-минглаб лицей ва коллежлар, мактаблар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, энг юксак талаблар асосида жиҳозлашдек кенг кўламли вазифани қўйганимизда, бу ишларнинг қандай улкан, айтиш мумкинки, беқиёс мақсадларни кўзда тутишини камдан-кам одам ўзига тасаввур қиларди”¹.

Халқимиз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодларни тарбиялашда, эзгу мақсад-муддаомиз – эркин, озод ва обод ҳаёт бунёд этишда ҳам ҳеч кимдан кам бўлмайди. Шунинг учун бу муҳим масалага доимо давлатимиз, жамиятимизнинг асосий вазифаси сифатида қаралмоқда. Биринчи президентимиз томонидан мамлакатимизда соғлом ва уйғун камол топган авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни яратиш, ХХИ аср – интеллектуал қадриятлар устуворлик қиладиган аср эканлигини эътиборга олган ҳолда Ватанимиз йигит ва қизларини ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида 2010 йил “Баркамол авлод йили” деб эълон қилинди.

¹ “O‘zbekiston Konstitusiyasi – biz uchun demokratik taraqqiyot yo‘lida va fuqarolik jamiyatini barpo etishda mustahkam poydevordir”. Prezident Islom Karimovning O‘zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi qabul qilinganining 17 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimidagi ma’ruzasi. T.: 2009 yil 5 dekabr.

Ёшларимизни жисмонан ва маънан баркамол авлод этиб тарбиялаш борасидаги ислохотлар ҳаётимизнинг барча соҳалари билан ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда, тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу ҳол замонавий оммавий байрам ва томошаларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Бу ислохотлар ичида инсон камолоти ва унинг маънавий-маърифий тарбияси алоҳида ўрин тутди. Санъат жумладан байрамлар инсонларни гўзаликка чорловчи, бирлаштирувчи воситадир. Байрам шундай бир ижтимоийликки ҳар қандай даврда ҳам унинг бош мақсади инсон тарбиясидир. “Бугун, Ватанимиз, юртимиз ХХИ асрга қадам қўйиб, ўзининг буюк келажаги сари интилаётган, бу йўлдаги барча ҳаракатларимиз иймон-этикод туйғуси билан йўғрилиб, кучайиб бораётган бир пайтда, ўз тарихий илдизларимизни, шу жумладан, санъатимиз, миллий театримиз тарихини чуқур англаш, ундан сабоқ олиш ҳақида гапиришимиз ҳар жиҳатдан ўринли бўлади, деб ўйлайман”², деб таъкидлайди Биринчи президентимиз И.А.Каримов. Шу сабабдан ҳам ҳозирги кунда санъат ва маданиятга катта эътибор берилмоқда.

Давлатимиз театр санъатини ривожлантиришга доимий раҳномалик қилиб келмоқда. Биринчи президентимиз томонидан 1995 йил 20 октябрда “Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида”ги Фармони, 1998 йил 26 мартда “Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”га Фармони, 1998 йил 22 майда “Ўзбектеатр ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2001 йил 21 сентябрда “Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик драма театрига “Миллий театр” мақомини бериш тўғрисида”ги Фармонларининг қабул қилиниши сўзимизнинг исботидир.

Дарҳақиқат, санъат қошоналари, санъатни ўргатувчи муассасалар бошқа ташкилот ёки муассасалардан ўзининг кўп жиҳатлари билан ажралиб туради. Чунки санъат соҳаси билан шуғулланувчи муассасаларда “саҳна” деб аталмиш муқаддас бир пирхона борки, унда фаолиятнинг асосини тарбия, инсонларга

² Karimov I.A. “Milliy teatrimiz - iftixorimiz”. Toshkent shahrida Akademik Drama teatri yangi binosining ochilish marosimida soʻzlagan nutqi. 2001 yil 30 avgust.

яхшилиқ, эзгулик улашиш, давр мафкурасига хизмат қилиш, Ватанни севиш, ардоқлаш каби буюк ниятларга интилиш ташкил этади. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Саҳна санъати инсонларга нафақат завқу-шавқ бахш этади, айнаи вақтда миллий ғурур, миллий ифтихор манбаи, қудратли тарбия воситаси ҳам бўла олиши – бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир”³, деб айтган сўзлари айнан саҳна санъатининг жамиятимиз тараққиётидаги аҳамиятининг буюклиги ва бунга давлатимиз томонидан катта эътибор бериши фикримизнинг далилидир.

Тарих шуни исботлайдики, байрамлар маъноси, ғояси халқнинг ўйи, дарди, орзу-умидлари асосида пайдо бўлган ва ўзгариб, ривожланиб борган. Байрамларнинг яна бир хусусияти уларнинг муайян вақт, махсус сана билан боғлиқлигидир. Кишиларда байрам кайфияти аввалдан белгиланган вақт, сана, кун келганида пайдо бўлади. Масалан, кишининг совуқ кунларидан сўнг об-ҳавонинг исиши, теварак-атрофнинг кўм-кўк либосга ўраниши, дов-дарахтларнинг гуллаши – баҳор келиши барча кишиларга олам-олам қувонч шодлик олиб келади. Албатта, бу ўзгаришдан ҳар ким ўзича завқланади.

Аммо табиат гўзаллиги ва баҳор шодиёнаси ҳамма учун умумий бўлганлиги сабабли одамларда уни биргаликда нишонлаш кайфияти ҳам туғилади. Бевосита ана шу кайфият орқали инсон тарбиясига, унинг руҳиятига таъсир кўрсатувчи воситалар бу ўзбек миллий байрамлар ва томошаларидир. Байрамларнинг тарбиявий функцияси, бевосита унда қўлланилаётган таъсирчан воситалар орқали вужудга келади. Байрамлар орқали томошабинни энг содда ва энг мураккаб усулларда эстетик тарбиялаш мумкин. Мазкур илмий ишнинг бош мақсади ҳам байрамлар орқали баркамол авлодни эстетик тарбиялаш масалаларига қаратилган.

Ҳар бир халқ, миллат, давлат ўз фуқаролари орасидан буюк кашфиётчилар, юксак истеъдод соҳиблари тенги йўқ санъаткорлар етишиб чиқишини орзу қилади ва шу улуғвор мақсад сари интилади. Бу табиийки, ўз-

³ Karimov I.A. "Milliy teatrimiz - iftixorimiz". Toshkent shahrida Akademik Drama teatri yangi binosining ochilish marosimida soʻzlagan nutqi. 2001 yil 30 avgust.

ўзидан юзага келмайди. Унинг учун аввало, фуқароларда маънавий-маърифий, ахлоқий-нафосатли жиҳатдан тарбияни, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини шакллантириш лозим.

Маълумки, тарбиянинг бош вазифаси инсон борлигининг камол топтиришдан иборат. Зеро, ҳуқуқий, ахлоқий, иқтисодий, сиёсий каби қатор тарбия шакллариининг барчасида инсон масаласи ётади. Уларнинг ҳар бири ўз тадқиқот доираларидан келиб чиқиб инсон тарбиясига у ёки бу тарзда таъсир кўрсатади. Бу борада нафосатли тарбия - шахснинг дидини, туйғуларини, тасаввурларини муайян воситалар орқали тарбиялашни ўз зиммасига олади. Шунингдек, тарбия олувчи ўз навбатида ана шундай тарбияга амал қилувчи бўлиши лозим. Шундай экан, нафосатли тарбия назарияси табиат ва инсон ўртасидаги нафосатли моҳият орқали изоҳланади ва шахснинг ҳаёт фаолиятига чуқурроқ назар ташлашга ундайди.

Таъкидлаб ўтилганидек, нафосатли тарбия ўз-ўзидан пайдо бўлиб, ривожланадиган «микроорганизм» эмас ва айни пайтда бирдан тўхтаб қоладиган «механизм» ҳам эмас. У секин-аста инсон томонидан орттирилган ҳаётий тажрибалар, кўникмалар, билимлар орқали шаклланиб боради. Иккинчидан, нафосатли тарбия ижтимоий тараққиётнинг муайян жабҳаларида аниқ мақсадларга йўналтирилган фаолият сифатида иш олиб боради. Бундан ташқари тарбиянинг мазкур шакли айрим кишиларнинг ёхуд бирор-бир гуруҳларнинг турли хил фаолиятлари натижасида юзага келиши мумкин.

Нафосатли тарбия моҳиятига кўра, инсоний аъмол (идеал) билан боғлиқ бўлиб, мазкур аъмол эгаси бўлган шахс бошқалар орасида нафис дидга, покиза туйғуларга эгалиги билан ажралиб туради. Маълумки, шахс ижтимоий тараққиётнинг турли хил жабҳаларида иштирок этиши баробарида бевосита мазкур тизимда фаолият олиб боради. Пировардида шахс бу билан ижтимоий тараққиётнинг нафосатли субъектига айланади. Шунга кўра, айтишимиз мумкинки, жамиятда яшаётган бирор-бир шахс нафосатли жараёнлардан четда турмайди, аксинча, ўзининг муайян ҳатти-ҳаракати билан мазкур жараёнларга у

ёки бу даражада таъсир кўрсатади. Нафосатли тарбиянинг мақсади ана шундай таъсирларни гўзаллик, улуғворлик, нафосат асосида йўналтиришдан иборат.

Шуни таъкидлаш жоизки, нафосатли тарбия бадий тарбия билан доимий тарзда алоқада бўлиб келади. Бирок, бу «нафосатли тарбия бадий тарбия билан бир хил маъно касб этади» деган гап эмас. Негаки, бадий тарбия ижод жараёнидаги ранг-барангликлар оламини инсон томонидан нафосатли тарзда англаш ва ўзлаштиришнинг бир қисми, холос. Нафосатли тарбия эса-жамиятда маънавий муҳитни пайдо қилишга кўмак берувчи муҳим унсур бўлиб, у инсон дидини шакллантирувчи, ривожлантирувчи ҳамда ана шу орқали инсонни жамият муносабатларига яқинлаштирувчи кучдир.

Санъат – эстетик фаолиятнинг ўзига хос тури, сеҳрли маънавий кўзгу. Сеҳри шундаки, санъат асарини идрок этаётган одам унда ҳам шу асарни яратган инсон дунёсини, ҳам ўз дунёсини қадриятлар призмаси орқали кўради; ўзининг қандайлигини ва қаердалигини, ютуқларини ва нуқсонларини, ақлни ва ҳиссиётларни аниқлаштириб олади. Унинг эстетик моҳияти макон ва замондаги воқелик воситасида гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик, кулгилик, хунуклик, тубанлик ва бошқа эстетик хусусиятларни акс эттириши ҳамда уларни баҳолаши билан белгиланади. Санъат қадриятларнинг қадрланишини ва қадрсизланган қадриятларни кўрсатиб беради, бир одам ёки бир неча одам тимсолида одам билан оламнинг яхлит, умумлашган қиёфасини яратади, уларнинг уйғунлигини таъминлайди. У кишини яшашга ўргатади, гўзалликка даъват этади, маънавий юксалтиради. Шу сабабли инсоният тарихида санъатсиз яшаб ўтилган бирорта ҳам давр йўқ.

Санъат ва ахлоқ. Бу икки маънавий ҳодиса шу қадар мустақкам алоқадаки, бири иккинчисининг иштирокисиз тўлақонли мавжуд бўлолмайди. Ҳар иккаласини ҳам инсоншунослик деб аташ мумкин, фақат улар анатомия каби одам аъзоларини эмас, инсон ахлоқий-эстетик-руҳий ҳислатларини, яъни унинг эзгулик ва гўзалликка, ёвузлик ва хунукликка муносабатини акс эттиради, ўрганади. Шу сабабли ахлоқдан ташқари санъатнинг мавжудлиги мумкин эмас, айти пайтда санъатсиз ахлоқ тарғиботдан маҳрум бўлиб қолади

ва фаоллик хусусиятини йўқотади. Зеро, санъатнинг азалий ва абадий бош мавзуси эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги курашдир, бошқа барча инсоний муаммоларнинг ўртага ташланиши ва ҳал этилиши бадий асарда ана шу мавзунинг очиб берилиши учун ёрдамчи вазифасини ўтайди.

Эстетик тарбия – жамиятда маънавий муҳитни пайдо қилишга кўмак берувчи муҳим унсур бўлиб, у инсон дидини шакллантирувчи, ривожлантирувчи ҳамда ана шу орқали инсонни жамият муносабатларига яқинлаштирувчи кучдир.

Ҳозирда эстетик тарбиянинг кўлами тобора кенгаймоқда. Шунга кўра, у ўз олдида талайгина муҳим вазифаларни қўйган. Булар: - кишиларда санъат асарлари, бадий ижод намуналарини нафақат фаол ўзлаштириш балки, уларнинг эстетик моҳиятини англаш ва баҳолаш қобилиятини такомиллаштириш;

- жамият аъзоларининг ижодий имкониятларини намоён қилдириш ва улардан фойдалана билишга ишонч туйғусини уйғотиш;

- табиат ҳамда жамият ижтимоий жараёнларига соф туйғу билан муносабатда бўлишга ва уларни раванқ топтириш йўлида астойдил фаолият олиб бориш кўникмаларини ҳосил қилиш;

- ўтмиш маънавий меросимизга ҳурмат ҳиссини уйғотиш, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш учун замин яратиш;

- ижоднинг барча турларини тараққий эттириб жаҳонга юз тутиш ва уларни миллат манфаатлари учун наф келтирадиган томонларини тарғиб қилишга ундашдир.

Эстетик тарбиянинг асосий воситалари таркибига - санъат, информацион технологиялар, табиат, меҳнат, спорт каби соҳаларни киритиш мумкин.

Санъат - эстетик тарбиянинг муҳим воситасидир. Бугунги кунда жамиятимизда инсон фаолиятини бошқариб боришдан кўра, ушбу жараёни инсоннинг ўзи ташкил этиши кераклиги бот-бот уқтирилмоқда. Бу жараёнда санъат моҳиятан шахснинг ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатишга қодир бўлган муҳим восита сифатида инсонни доимо ўзига жалб этиб келган. Санъат

инсоннинг эҳтирослар ва туйғулар оламига сингиб бориб уларни йиғлатади, кулдиради, ўйлашга мажбур қилади. Шунинг учун бўлса керак санъат барча даврларда инсонга ҳамроҳ бўлиб келган.

Маълумки, эҳтирослар, туйғулар, кечинмалар инсоннинг тирик мавжудот эканлигидан далолат беради. Мазкур жараёнларни бошқариш асоси эса унинг воқеликни кузатиши ва баҳолай олиши билан белгиланади. Санъатни «бир нарсани яхши ишлаб чиқаришдан иборатдир», — деб билган таниқли жаид мутафаккири профессор Абдурауф Фитрат санъат ва унинг инсонга кўрсатажак таъсири тўғрисида мулоҳаза юритиб, шундай деган эди; «Буюк бир шодлик кўрган киши ўзининг шод туйғуларини бошқаларга билдириб, шодлигини орттирадир. Улуғ бир қайғуга учраган эса, ўз дардини бошқаларга ўтқариб, ўзини овунтирган бўладир. Мияси юксалмаган болалар санъатдан хабарсиз кишилар шодли-қайғули туйғуларини сакраб, ўйнаб, кулиб, йиғлаб, талпиниб жонлантирадилар, очикча чиқариб бошқаларга англатадиларда, шу йўл билан овунтирилган бўладилар, санъат эгалари эса турли товар (материал) лар ёрдами билан ўзларининг туйғуларини жонлантириб майдонга чиқарадир. Шу йўлда бошқаларни ўз туйғулари билан туйғулантиришга тиришадир».

Борлиқдаги ҳар бир ҳодиса инсон томонидан идрок қилинар экан, санъат призмасидан ўтиб янада лаззатланиш объектига айланади. Бироқ, бу жараёнда маънавийлик, ҳусусан, нафосатдор тушунчаларни қадрият тушунчаси билан қориштириб юбориш мақсадга мувофиқ эмас. Қадриятлар билан боғлиқ масалалар ҳаётнинг энг асосий мавзуси бўлиб ҳисобланади ва улар борлиқ, жамият, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, инсон ҳаёти, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча бўлиб ҳизмат қилади. Нафосатли тушунчалар (гўзаллик, ҳунуклик, улуғворлик, тубанлик, фожеавийлик, кулгулилиқ) эса ўз навбатида инсонга яқиндан таъсир кўрсатиши билан ажралиб туради.

Шунингдек, ижобий фазилатлар, бадий-нафосатли аъмоллар (идеаллар) инсон ҳаётининг мазмунига кўрк бағишлайди. Тарбияда айниқса, ахлоқий ва нафосатли тарбияда ҳаётнинг мазмуни ва мақсади муҳим аҳамият касб этади.

Гоҳида мақсад мавҳум тушунчага айланиб шахснинг табиатига мутлақо зид бўлган ҳолатларни келтириб чиқаради. Пировардида инсон бундай мақсадларнинг таъсиридан зарар кўради. Яшашдан мақсади ўз шахсий манфаатларини қондиришга қаратилган, пайти келганда бировнинг номини сотиб бўлсада эҳтиёжини қондиришга зўр берувчи кимсалар ана шундай ҳолатга тушиб қоладилар ва нафақат ўзларига балки ён-атрофдагиларга, ҳатто жамиятга буюк зарарларни олиб келадилар. Ҳаётий муносабатларни ижобий ҳулқ-атвор билан йўғрилмаганлигини бу каби ҳолатларни юзага келтирадиган асосий сабаб деб билиш мумкин. Бугунги кун эса инсонлардан мақсадлар, туйғулар, ишлар ва фикрлар уйғунлигини ҳамда оламнинг гўзаллиги билан бирга унинг мураккабликларини енгиб ўтишни талаб қилмоқда. Зотан, бу миллий мафкурани шакллантиришдек долзарб вазифани теран ҳис этишда катта аҳамиятга эга. Негаки, Биринчи президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда «мафкурани шакллантириш жараёнида авваламбор, мамлакатни бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиши лозим» дейилиши бежиз эмас.

Ана шундай жараёнларни амалга оширишда санъат асосий восита бўлиб хизмат қилади. Зотан, санъат нафақат гўзалликни, балки жамиятдаги ва инсоний муносабатлардаги жамики икир-чикирларгача бадиий қиёфалар орқали акс эттиришга ҳаракат қилади. Бир сўз билан айтганда санъат инсонга энг яқин ва айна пайтда ундан ажралмайдиган ҳодисадир.

Замонавий инсонни нафосатли жиҳатдан тарбиялашда санъатнинг муҳим восита сифатида ўрни шу билан белгиланадики, агар инсон ўзининг нафосатли туйғуларини мақсадли, ижобий томонга йўналтира олган бўлса, бу унинг келажакда буюк ишларни амалга оширишига кўмак беради. Бироқ, туйғулари ҳали шаклланиб улгурмаган, нафосатли диди рисоладагидек тарбия кўрмаган одам мавжуд ҳаётий қийинчилик ва ташвишлар қаршисида ожизлик қилиб қолади ва натижада ёт ғоялар таъсирига тушиб қолади. Ана шундай салбий ҳолатларнинг пайдо бўлмаслиги учун ҳам санъат ўзини тобора инсонга

яқинлаштириб боради. Чинакам санъат инсонни ана шундай салбий ҳолатларга тушиб қолмаслигини кафолатлайди. Шунингдек, шахснинг нафосатли тарбиясини санъат воситасида амалга оширишнинг афзал томонини икки хусусият билан ифодалаш мумкин. Биринчидан, санъат ижтимоий англашнинг бошқа шаклларига қараганда инсонга бирмунча яқинроқ ҳамда тезроқ таъсир кўрсата олиш имконига эга. Иккинчидан, санъат инсонни нафосатли жихатдан камолотга етказиш жараёнига муайян мафкуравий мазмун бағишлаши билан бирга инсон маънавий қадриятларини рўёбга чиқаришда яқиндан ёрдам кўрсатади.

Санъат ўзининг нафосатли бисотини тўлалигича намоён қилиши учун ҳам тарбия жараёни билан чамбарчас боғланади. Чунончи, инсон тафаккурини гўзаллаштириш нафосатшуносликнинг тадқиқот объекти ҳисобланса, нафосатдор тарбиянинг предмети эса маънавий дунёни инсон томонидан нафосатли англаш нафосатли мушоҳада қилиш билан белгиланади.

Нафосатли англаш инсоннинг турли хил фаолиятлари таъсирида юзага келадиган ҳодиса бўлиб, у инсон нафосатли муносабатларининг субъектив томони ҳисобланади. Инсон ўз навбатида нафосатли англашнинг субъекти ҳамдир, инчунун, нафосатли дид нафосатли англашнинг ўзига хос хусусияти сифатида майдонга чиқади.

Инсон нафосатли диди унинг гўзалликдан хунукликни, улуғворликдан тубанликни, фожеавийликдан кулгулиликни ажрата олиш қобилиятларига қараб белгиланади. Дид инсонда юксак ёки паст даражада мавжуд бўладиган ҳодиса бўлиб, унинг ёрдамида одамлар ҳаётий фаолиятларини шакллантиришга ҳаракат қиладилар. Шунга кўра, инсоннинг дидсизлигини фожеа деб билиш ярамайди; дидсизлик бу тариқа фожеага айланмайди. Дидсизлик фожеага айланиши мумкин қачонки, бирор-бир шахснинг паст даражадаги диди бошқа бир юксак дидли шахснинг дидига ҳукмронлик қилса ва уни ўз измига бўйсундиришга ҳаракат қилсагина дид фожеа тусини олади. Бундай ҳолат ўз навбатида ҳаёт гўзалликларидан баҳраманд бўлишга монелик кўрсатади. Санъат ана шундай фожеаларнинг олдини олишда инсонга кўмак беради.

Таъкидлаб ўтилганидек, шахсни нафосатли ҳамда бадиий жиҳатдан тарбиялаш фавқулодда мураккаб ва серқирра жараёндир. Бугунги кунда жамиятимизда амалга оширилаётган ижобий ишларнинг барчаси ана шу мақсадни туғри йўналтиришга қаратилган. «Таълим тўғрисидаги қонун» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури»ни қабул қилишдан мақсад ҳам инсонпарвар жамият қуришдек улуғвор вазифани амалга оширишга қаратилган. Чунончи, «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури»да таълимнинг ижтимоийлашуви, таълим олувчиларда нафосатли бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш» алоҳида таъкидлаб ўтилганлиги фикримизни исботлайди.

Шуни айтиш лозимки, сўнгги йилларга келиб санъат ва маданиятга жамият ҳаётини ўзгартирувчи, унга хизмат қилувчи, фикрлар алмашинувини таъминловчи ҳамда нафосатдор аҳамият касб этувчи мураккаб ижтимоий жараён сифатида муносабат билдирилаётганлиги диққатга сазовор. Негаки, турли туман маданий, маърифий тадбирлар, ранг-баранг кўрик-танловлар, санъат байрамлари ва фестивалларини ўтказиш ўз навбатида кишиларни тайёр маънавий «махсулотнинг истеъмолчиси»га айланиб қолишидан сақлайди. Шунингдек, санъатнинг инсон нафосатли тафаккурини юксалтиришдаги аҳамияти яна шу билан изоҳланадики, санъат аввало; воқеликни бадиий қиёфалар ёрдамида акс эттиради, ўзида моддийлик ва маънавийликни нафосатли мазмунини намоён қилади, ижтимоий ҳаётга янгича кўрк бағишлайди, уларни қайтадан ташкил этади ва ўзгартиради. Ана шунга кўра, инсоннинг билимлилик томони санъатнинг кўринишларини намоён эттириш ҳолатларини амалга оширади. Мазкур ҳолатлар натижасида нафосатлианинг тарбиявийлик хусусияти ўз ифодасини топади.

Демак, кўриниб турибдики, санъат воқеликка нафосатли муносабатнинг кенг қамровли жабҳаси бўлиб, у инсонни нафосатдор ҳамда бадиий дидини шакллантиришда муҳим восита вазифасини бажаради. Санъатнинг тарбиявий-ғоявий функцияси ҳаёт ҳақиқатларини қайтадан тиклаш орқали намоён бўлади.

Нафосатли ҳақиқатнинг ўзи эса ҳаётни бадиий ижод кунунлари билан акс эттириши натижасида вужудга келади.

Санъатнинг инсонга кўрсатажак яна бир муҳим аҳамиятини яна шу билан белгилаш мумкинки, бадиий ижод нафақат ҳаёт ҳақиқатларини очиб беришга кўмаклашади, балки миллионлаб одамларни мазкур ҳақиқатдан хабардор қилади. Бу билан санъат инсонлар тафаккурида ҳар қандай бўшлиқнинг пайдо бўлишига йўл қўймайди.

Оммавий томошалар халқнинг ижтимоий-маданий ҳаётида, халқнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилишда муҳим рол ўйнайди. Улар шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва ижтимоий-маданий фаоллигини ошириш жараёнини ўзига хос вазифаларини бажаришга, яъни ҳаваскорлик ижодига жалб қилиш ва мазмунли дам олиш, ҳордиқ чиқаришни уюштиришга ёрдам беради. Оммавий томошалар фақатгина кишиларнинг ҳордиқ чиқаришинигина эмас, балки билимини, дунёқарашини ўстиришга, ижодкорлигини оширишга қаратилган бўлиб, ўз навбатида, жамиятдаги асосий иш фаолияти билан яхшироқ шуғулланишга самарали ёрдам беради.

Халқнинг ташаббускорлиги, ҳаваскорлик ижодини ўстирувчи ва уларнинг маданий дам олишларини ташкил этувчи оммавий томошаларни уюштиришда маданий-маърифий муассасаларнинг аҳамияти катта. Айниқса, Мустақилликка эришганимиздан сўнг ташкил топган “Оммавий байрам ва томошаларни ташкил қилиш дирекцияси”, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, “Ўзбекракс” Миллий рақс бирлашмаси бу борада катта ишларни амалга оширмоқдалар.

Миллий байрамлар инсоният яратган энг яхши прогрессив халқ анъаналарини сақлайди, ривожлантиради, тарғиб қилади. У оммани фақат маданият намуналаридан баҳраманд бўлишга шароит яратибгина қолмай, унинг маданий қиёфаси, хулқ-атвори, одоби ва ахлоқининг шаклланишига туртки бўлади.

Бунинг исботи сифатида асрлар давомида, авлоддан-авлодга ўтиб, бизгача келган анъанавий халқ томоша санъати намуналарини мисол қилиб

кўрсатишимиз мумкин. Булардан кўғирчоқ, дорбозлик, масхарабозлик, аския, бахшилар, полвонлар, кураш ва ҳ.к. томошалар халқимизга маънавий озуқа бериб келган.

Ўзбек миллий байрамлар бой тарихга эга бўлиб, унинг илдизи қадимги халқларнинг урф-одатларига, маросимларига тақалади. Ўзбек миллий байрамларпайдо бўлиш жараёнларини, турли йўналишларининг шаклланишини билиш бундай мураккаб синтетик жанрни ўрганаётган биздек бўлажак режиссёрларга жуда ҳам зарур. Шунинг учун ҳам ўзбек миллий байрамларасосини амалий ўрганишда бу жанрнинг ривожланиш йўлини, унинг хилма-хиллигини ва асосий босқичларини ўз ичига олган назарий билимларни ҳам олиш лозимдир.

Ҳар қандай миллий байрам қаерда ва қачон ўтказилишидан қатъий назар – унинг асосини халқ ижоди, фольклор ташкил этади. Чунки миллий байрамларнинг умумий кайфияти, баҳоси ўша миллатнинг урф-одати, маросим ва анъаналарига қараб белгиланади. Бу борада таниқли олим А.И.Чечётиннинг “Байрам маросимлар ривожланиши натижасида вужудга келган”, деган фикри тўлақонли асослидир.

Ҳар бир халқнинг ижтимоий-маданий ҳаётида азалий анъана, урф-одат, маросим, байрамлар алоҳида ўрин тутати. Улар кишилар турмуш тарзининг ўзига хос ҳодисаси сифатида намоён бўлади.

Маросим ва анъаналар, умуман олганда халқ ижодиёти, фольклор асарлари халқ тарихидан, маънавиятидан, маданиятидан далолат берувчи манбадир. Шу маънода айтилган Президентимизнинг қуйидаги фикрлари халқ ижоди ва фольклор асарларига берилган юқори баҳодан далолатдир: “Шуни айтиш лозимки, халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига

айланиб кетган хашар одати истиқлол даврида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, умуммиллий анъана тусини олгани барчамизни мамнун этади” .

Байрамларнинг илк элементлари ибтидоий жамоа тузимида пайдо бўлиб, ривожланиб келган ва ҳозирда ҳам янгича тус олиб, замонага мослашиб, ўзига хослик билан ривожланиб бормоқда. Буни биз хорижликларнинг ўзбек байрамларига бўлаётган кизиқишлари орқали билсак бўлади. Ўзбек байрамларининг хорижликларни ўзига кизиқтирган энг муҳим хусусияти бу халқ ижодиёти ва фольклор асарларининг қўлланилишидир. Сир эмаски, байрамлар ривожланишида халқ ижоди анъаналари ва фольклор асарлари катта аҳамиятга эга. Тўй маросимлари, оила байрамлари, умуман олганда урф-одатлари, маросимлар ҳам ўзига хос бир байрам бўлиб, унинг оммалашиши, кенг халқ орасида тарқалиши, бора-бора халқнинг бир катта байрамига айланишган ва анъана бўлиб қолган.

Байрамлар жамиятнинг маънавий гўзаллигини, халқнинг яшаш тарзи, турмуш шароитини дунёга кўз-кўз қилувчи асосий воситадир. Бирор давлатда нишонланаётган миллий байрамлар ёки жаҳон миқёсидаги тадбирларни кузатар эканмиз, ўша давлатнинг миллийлиги, ўзига хос урф-одатларини ўрганамиз. Демакки, байрам ҳаётнинг энг нафис ва нафосатли хислатларини намоиш этувчи кўзгудир. Байрам жамиятнинг кечаси, бугуни, эртаси ҳақида далолат берувчи жонли манбадир.

Байрамлар моҳиятини тўғри англаш, тарихи ва ҳозирги кундаги ҳаётини тушунишда айниқса М.М.Бахтин тадқиқотлари муҳим. “Байрам ҳамма вақт дунёни теран идрок этиш мазмунига эга бўлиб келган. Ижтимоий меҳнат жараёнини ташкил этиш ва мукаммаллаштиришдаги “машқлар”, “меҳнат ўйинлари”, меҳнатдаги дам олиш ёки нафасни ростлаш ҳеч қачон ўз ҳолича байрам бўла олмайди. Уларнинг байрам бўлиши учун борлиқнинг бошқа соҳаси, маънавий-мафкуравий соҳасидан нимадир қўшилиши шарт. Улар моддий дунё ва зарур шарт-шароитларидан эмас, инсон ҳаётининг буюк мақсадлари дунёсидан, яъни идеаллар дунёсидан даъват ва қувват олади”.

ХУЛОСА

Миллий мустақилликка эришганимизнинг шарофатли натижаси шу бўлдики, жаҳон тарихида катта ўрин тутган ўзбек халқининг маънавияти, маданияти ва санъати қайта жонланди. Иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий, маданий юксалиш йўлида ҳар томонлама мукаммал ўйланган ислохотлар амалга оширилди.

Инсоният XXI асрга келиб йирик шаҳарлар сонини ва шаҳар аҳолисини кескин ортиб бораётганига гувоҳ бўлмоқда. Ер шарида аҳолиси бир миллиондан ортиб кетган йирик шаҳарлар сони уч юзтадан ошиб кетди. Замин аҳолисининг 80 фоизи эса шаҳарларда яшамокда. Бу рақамлар ортида мураккаб прогрессив жараён – инсонларнинг эстетик муносабатларини қайта қуриш масаласи ётибди.

Замоннинг шиддатли ривожланиши, фан ва техникадаги янгиликлар, алоқа воситаларини узликсиз такомиллашуви, информация оқимида фарқ бўлиб бораётган муҳит, компьютер билан мулоқат инсонни руҳий чарчоғига, асабий таранглигига сабаб бўлмоқда.

Чарчоқдан ва асаблар таранглигидан қутилиш зарурияти инсонларни хизматдан кейинги жонли мулоқатга чорлайди. Бундай эҳтиёж уни туй-томошага, омма орасига, сайилга, кўнгил очар томошага; байрамларга хайқариб чарчоқ чиқарадиган стадионларга, эстрада шоуларига, ўйин-кулгуларга етаклайди. Инсоннинг бўш вақтини байрамона кайфиятда ўтказиш, уни чарчоғини чиқариш, асабини юмшатиш замоннинг энг долзарб масаласи бўлиб қолди.

Куни бўйи компьютер олдида ўтириб ишлайдиганлар учун – ҳаракатларга бой томошалар, томошабинни ўйинда иштирок этишига имкон берадиган шоулар, уни рақсга тушишга чорлайдиган тадбирлар, серзавқ эстрада мусобақалари, руҳиятга кучли таъсир этиб, эркин ҳолга олиб келадиган оммабоп ўйинлар кўпроқ маъқул бўлади. Шу эҳтиёжларни қондирадиган томошаларни ташкил қилиш эса навбатдаги масаладир.

Турмуш ташвиши йўқ, қорни тўқ усти бутун – зерикканлар учун кўнгил очар тадбир керак. Меҳнат қилиб чарчаганларнинг эса – ҳордиқ чиқариш, дам олиш зарурати бор. Бизнингча, инсонларни ҳар иккала эҳтиёжини эътиборга олган томоша – эстрада деб ном олди. У томоша турларининг барчасидан энг яхши намуналарни саҳнага олиб чиқди ва уни янги санъат тури даражасига кўтарди.

Зерикишни ҳамда чарчоқни эгаси бор, лекин миллати йўқ. Томошанинг эса миллати бор. Чунки, барча миллатнинг азалдан ўзига хослиги унинг байрамларида, урф-одатларида, анъаналарида, тўй-томошаларида, ўйинларида сақланиб келмоқда.

Демак, замонавий томошаларнинг ташкилотчилари зериккан ва чарчаганларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, махсус жиҳозланган майдончаларда ўтадиган тадбирларнинг оммабоп ва ҳаммабоплигига; тадбир ўтадиган жойнинг гўзал, рамзий, бадиий, эстетик завқ берадиган даражадаги безакларига; байрамона кайфият яратадиган, асосий эътиборларини қаратиш лозим. Бу ҳаммабоп шароитдан янада ортиқроқ завқ олишни истаганлар эса эстрада санъати билан ошно бўлиш учун театрларга, залларига ёки мусобақа-шоуларига ташриф буюрадилар.

Мазкур санъат жанрлари ичида энг оммабопи бу ўзбек миллий байрамлардир. Халқ байрами номи билан аниқки, бу халқнинг байрами. Бу байрам на ёш танлайди, на ирқ танлайди. Бу байрам барчага бирдек маънавий таъсир ва тарбия беради.

Мазкур ишда ўзбек миллий байрамларнинг ёшлар тарбиясига эстетик таъсири хусусида фикр юритилди. Ўзбек миллий байрамларнинг тарбия борасидаги аҳамияти биргина битирув малакавий иши орқали ёритилиши қийин масала. Бу мавзуга ҳали кўп бора мурожаат этилиши, байрамларнинг тарбия борасидаги ролини илмий ёритилиши хусусида кўплаб изланишлар олиб борилиши табиий. Бу масъулиятли ишлар биз ёшларнинг зиммамиздадир.

ТАВСИЯЛАР

Ўзбек миллий байрамлари ниҳоятда бой ва мустаҳкам тарихий заминга эга. Мана шу маданий мерос асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, сақланиб келган. Шу тариқа улкан ва бебаҳо хазина бўлмиш ўзбек миллий байрамлари ёзиб олинди, илмий тадқиқ этилди. Мустақил ривожланиш йилларида уларга бўлган эътибор янада кучайди. Халқимизнинг миллий бойлиги бўлган халқ мусиқасига эҳтиёткорлик ва меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиш, улардаги ботинан жиҳатларни очиб бериш, замонга ҳамнафас асарлар яратишда уларга таяниб иш тутиш миллий мафкурамизни яратишда устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Шундай экан, миллий-маънавий қадриятлар сирасида улкан мавқега эга бўлган ўзбек санъати, хусусан ўзбек миллий байрамларидан ёш авлод тарбиясида унумли фойдаланиш бундан буён ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб қолаверади. Биз бу ҳақда ўз ишимизнинг олдинги бобларида тўхталиб ўтган бўлсак-да, тадқиқотни бажариш давомида бу борада хали ечимини кутаётган, тадқиқ қилиниши зарур бўлган, эътиборга муҳтож муаммолар етарлича эканлигига амин бўлдик. Шунинг учун ҳам давр талабларидан келиб чиққан ҳолда биз тадқиқ этган мавзу йўналишида қуйидаги вазифаларга эътиборни қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Таълим ва тарбиянинг барча бўғинларида миллий, маънавий ва маданий қадриятларга, шу қатори ўзбек миллий байрамларига ва улардан ёш авлоднинг эстетик тарбиясида фойдаланишга жиддий эътибор ва муносабатда бўлишликка эришиш. Айниқса санъат тизими ўқув юртларида, халқ ижодиёти ихтисослиги йўналишидаги бўлғуси санъаткорларнинг касбий тайёргарлигида бу жуда муҳим роль ўйнашини эътиборга олиш лозим. Чунки таъкидлаб ўтилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш биринчи навбатда ушбу соҳадаги педагог-кадрларни билим ва маданий савиясига боғлиқдир.

2. Санъат ва маданият тизимидаги ўқув юртларида, шунингдек таълим-тарбия ҳамда маданият муассасаларидаги мусиқа ўқитувчилари, тарбиячилар, тўғарак раҳбарларининг ўз фаолиятларида ўзбек миллий байрамлари, унинг энг

оммавий ва таъсирчан шакли бўлган умуминсоний қадриятларига нисбатан эҳтиёжни юзага келтириш.

3. Ўзбек билан ёш авлодни доимий, изчил ва тизимли суратда таништириб бориш ва бу ишни таълим-тарбиянинг барча бўғинларида комплекс тарзда жорий этилишига эришиш. Шунга кўра: а) эстетик тарбияда ўзбек миллий байрамларидан фойдаланиш бўйича таълим ва тарбиянинг барча бўғинларига мўлжалланган педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқиш; б) ўзбек миллий байрамлари орқали эстетик тарбияни йўлга қўйиш борасида муайян шарт-шароитларни яратиш; в) ўзбек миллий байрамлари воситасида эстетик тарбияни (ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда) ташкил этиш технологиясини яратиш; г) ёшларда умуминсоний қадриятларга, хусусан халқ қўшиқларига қизиқиш ва муҳаббатни шакллантириш; д) ўзбек миллий байрамлари воситасида эстетик тарбияни ташкил этишга мўлжалланган методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

Халқимиз узоқ кутган мустақил ривожланиш йўлида дадил қадамлар қўйилаётган, миллий-маданий қадриятларимизни ҳар томонлама ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб қилиш авж олаётган, демократик тамойиллар асосида чуқур ижтимоий-сиёсий ислохотлар кечаётган бир даврда ёшлар тарбиясига масъул барча педагог-мутахассислар эстетик тарбияни ҳам ғоявий-сиёсий, ахлоқий, меҳнат ва ватанпарварлик тарбияси билан қўшиб олиб боришлари керак бўлади. Биз ўзлигимизни тилимизда, тарихимизда, адабиётимизда, санъатимизда, урф-одатларимизда ва яна бир қанча маънавий омилларда акс эттириш билан бирга байрамларимизда ҳам миллий руҳни йўқотмаслигимиз, ёш авлод тарбиясига улардаги анъана ва умуминсоний қадриятларни дадиллик билан жорий қилишимиз, авайлаб-асрашимиз керак, акс ҳолда маънавий тараққиётимиз янада заифлашиши мумкин. Маънавияти заиф халқнинг эса келажаги бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: «Ўзбекистон», 1998. -683 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин: 2- том: -Т.: «Ўзбекистон»,1996. -379 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3- том: -Т.: «Ўзбекистон»,1996. -366 б.
4. Каримов И.А.Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. -Т.: «Ўзбекистон», 1996. - 349 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5 -том. -Т.: «Ўзбекистон», 1997. -382 б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.:«Маънавият», 2008. -176 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. -32 бет.
7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. –Тошкент: Ўзбекистон. 2017.
8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Тошкент: Ўзбекистон. 2017. -488 бет.
9. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Таълим тўғрисида ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида. «Маърифат» газетаси, 1998 йил 1 апрель.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги «Ўзбекистонда маданият ва санъат соҳасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори.
11. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашрети, 1993. -225 б.
12. Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.: Ўқитувчи, 1992. -160 б.

13. Акбаров И.А. Узбекский музыкальный фольклор. -Т.: Уздавнашр, 1974. -114 с.
14. Аҳмедов Ф. Оммавий байрамлар режиссураси асослари. - Т.: Алоқачи, 2008.
15. Душамов Ж. Оммавий тадбирлар режиссураси. - Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002.
16. Икромов Н. Оммавий байрамлар тарихи. - Т.: 2008.
17. Маматқосимов Ж. Оммавий байрамлар режиссурасида сахна маданияти. - Т.: Фан ва технология, 2009.
18. Алимбоев К. (Тузувчи). 25 Ўзбек халқ қўшиғи. (1951 йилги материаллар. Тошкент, Фарғона, Андижон). -Т.: Ўздавнашр, 1955. -82 б.
19. Алишер Навоий. Учинчи том. Хазойин ул-маоний. ғаройиб Ус-сиғар. -Т.: Фан, 1988. -613 б.
20. Алишер Навоий. Бешинчи том. Хазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. - Т.: Фан, 1990. -541 б.
21. Алишер Навоий. Ҳайратул-аброр. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. -352 б.
22. Аҳмедов М. Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов. -Т.: Ўқитувчи, 1974. -95 б.
23. Аҳмедов М. Юнус Ражабий. -Т.: ғофур ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, -146 б.
24. Аҳмедов М. Дони Зокиров. -Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. -152 б.
25. Баркамол авлод орзуси. -Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000. -245 б.
26. Бадиий асарлар воситасида эстетик тарбия бериш. -Т.: Ўқитувчи, 1978. -49 б.
27. Воҳидов Э. Шоиру, шеър, шуур. -Т.: Ёш гвардия, 1987. -221 б.
28. Гулёр. (Фарғона халқ қўшиқлари). -Т.: Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1969. -68 б.

29. Дулгарова И. Ўзбек халқ кўшиқлари. -Т.: Ўзадабий нашр, 1960. -82 б.
34. Жалилов Т. Кўшиқлар гулдастаси. -Т.: ғофур ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. -126 б.
35. Жумаев М. Маънавият масканлари.. -Т.: Маънавият, 2001. -16 б.
36. Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. -Т.: Юлдузча, 1989. -153-154 б.
37. Икромов И. Сарви гулру келмади. 1 -китоб. Т.: ғофур ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. -90 б.
38. Икромов И. Давру-давроним гўзал. II-китоб. -Т.: ғофур ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, - 66 б.
39. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. -Т.: «Шарқ» нашриёт-манбаа концерни бош таҳририяти. -1998. -239 б.
40. Келинойи кўшиқлари. Халқ кўшиқлари ва термалари (ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи О.Собиров). -Т.: ғофур ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981. -239 б.
41. Кевиш Н.М. Эстетика ва санъатшунослик асослари. Т.: Ўқитувчи, 1977. -230 б.
42. Матёкубов О.М. Оғзаки анъанадаги профессионал музика асосларига кириш. -Т.: Ўқитувчи, 1983. -64 б.
43. Махтумқули шеърятидан. -Т.: Ўзбекистон нашриёти, 1976. -108 б
44. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. -Т.: Ўқитувчи, 1996. -192 б.
45. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. -Т.: «Шарқ» НМАК бош таҳририяти, 2001. -159 б.
50. Миллий ғоя-бизнинг ғоя. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Республика Байналмилалл маданият марказларининг кўшма дастури. Ҳаммуаллифлар. -Т.: Маънавият, 2001. -339 б.
51. Муқимий ва Фурқат ашулалари. 1-китоб. Тўпловчи И.Акбаров. -Т.: ЎзДавнашр, 1958. -339 б.

52. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2000. -80 б.
54. Навоий сўзига мусикалар. Нашрга тайёрловчи И.Ақбаров. -Т.: ЎзДавнашр, 1949. -122 б.
55. Насриддинов Б. Тўйчи ҳофиз. Ҳаёти ва ижоди ҳикида. -Т.: ғ.ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1968, -126 б.
56. Носирова Ҳ. Мен ўзбек қизиман. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968, -126 б.
57. Нурматов Ҳ. Мусиқа ва эстетик маданият. Мусиқа ўқитувчилари учун методик тавсиялар. -Т.: ТДПИ, 1992. -3 б.
58. Остонаси тиллодан. Тўй кўшиқлари. -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. -94 б.
59. Ражабий Ю. Музика меросимизга бир назар. -Т.: Бадиий Адабиёт нашриёти, 1976. -163 б.
60. Умаров Э. Эстетика (Нафосатшунослик). Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. -Т.: Ўзбекистон, 1995. - 246 б.
61. Файзулина С.Х. Ўқувчи ёшларнинг эстетик тарбияси. - Т.: Ўқитувчи, 1978. -49 б.
62. Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. -Т.: ФАН, 1993. -56 б.
63. Қодиров М. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. - Т.: Фан 1993.
64. Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. - Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2002.